



БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиши, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 7 июль куни Наманган вилоятига ташириб буюрди.

Наманган — мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланган, гўзал вилоятларидан бири. Кейинги йилларда унинг иқтисодий салоҳияти ошиб, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот 8,7 фоиз ўсган. Бу улкан бунёдкорлик ишларига асос бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида Қамчиқ довори орқали 19,2 километрлик ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли очилгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Бу йўл кўплаб иқтисодий имкониятлар қатори Наманган вилоятининг муҳим транзит ҳудудига айланишини ҳам таъминлади.

Биринчи Президентимиз Ислom Каримовнинг 2015 йил 24 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2016—2019 йилларда Наманган вилоятининг sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ юзлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширил-

моқда. Уларнинг орасида умумий қиймати 2 миллиард 1 миллион доллар бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси алоҳида ўрин тутади. Ушбу электр станцияси нафақат Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийсида электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Поп туманида 100 мегаватт қувватга эга бўлган, умумий қиймати 210 миллион долларни ташкил этадиган қуёш электр станциясини куриш, Мингбулоқ туманида 211 миллион долларлик "Мингбулоқ нефть-газ" қонини ўзлаштириш ва бошқа инвестиция лойиҳалари вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтаради.

Наманганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланмоқда. Вилоят ишбилармонлари замонвий технологиялар асосида харидорчи маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспортдан катта даромад топмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 79 корхона 17,4 миллион долларлик маҳсу-

лотни экспорт қилган. Экспортчи корхоналар сафида 19 янги субъект қўшилган.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Наманган вилоятини ҳам изчил ривожлантириш бўйича улкан режа ва мақсадларни баён этган эди.

Президентимиз Наманганга ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва истикболли лойиҳалар билан танишди.

Наманган — кўплаб буюк алломаларга қанот бўлган замин. Бу кўҳна юрда Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машираб, Фазлий Намангоний, Нодим Намангоний, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварлар туғилиб иход қилган.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябр куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда Исҳоқхон Ибрат ҳақида алоҳида тўхталиб, у кишига атаб замонвий бог яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва "Ибрат мактаби"ни ташкил қилиш ташаббусини баён этган эди. Бу тақдир жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган эди.

Президентимиз ушбу мажмуа қурилишини бориб кўрди.

Бунёд этилаётган бог одамларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига қулайлик яратиш билан бирга маънавий оламини ҳам бой-итади. Бу ерда маърифатпарвар бобомизнинг ҳайкали ўрнатилади. Музей Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти, сеҳрира фаолияти билан таништилади. "Ибрат мактаби"да ёшлар хорижий тилларни ўрганади. Буларнинг барчаси яхлит комплекс сифатида алломанинг буюк хизматларини қадрлаш, меросини ўқиб-ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим ўрин тутади.

XIX асрда Тўрақўрғон заминиде туғилиб ўсган Ибрат домла араб, форс, рус, ҳинд, урду, инглиз, француз тилларини яхши билган, деди Президентимиз. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, Шарқ ва Европа илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган, юртимизга илгор маданият ва техника янгиликларини олиб киришга интилган.

Ибрат домла ўлкамиздаги ilk матбаачилардан бири сифатида 1908 йили Оренбург шахридан литографик машина сотиб олиб, уни Оренбургдан Қўқонгача по-

ездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида "Исҳоқия босмахонаси"ни ташкил қилган. Бу маърифатпарвар инсон кўплаб илмий, педагогик ҳамда бадиий асарлар яратган, ўз қишлоғида янги мактаб ва кутубхона очган, аҳоли учун замонвий бог барпо қилган, ҳозиргача гоят ноёб ҳисобланадиган олти тилли луғат яратиб, ўз босмахонасида чоп эттирган. Унинг "Фарғона тарихи" асарини мамлакатимиз тарихига оид нодир манбалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари мазкур комплексни мазмун жиҳатидан такомиллаштириш, тил ўргатиш бўйича махсус мактабни Наманган давлат университети қошида ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда хорижий тилларни ихтисослаштирилган тарзда ўргатиш зарурлигини таъкидлади. Уқитувчи ва ўқувчиларга барча шароитлар яратиш, бу ерда босмахона ташкил этиш, мажмуа атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий аъёна ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни воқола етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббуслари-

ни рағбатлантириш бора-сидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана ол-

маганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

(Давоми 3-бетда.)

Авал хабар берилганидек, шу йилнинг 4—5 июль кунлари Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизда амалий фанлар ўқитувчиларининг республика форуми ўтказилди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 250 нафар ўқитувчи, методист, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда олий таълим муассасалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбир ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилиш, таълим жараёнига илгор тажрибаларни жорий этиш ва тизимдаги муаммоларни бартараф қилишга бағишланди.

Кўплаб муаммоларга

ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Энди буни амалга татбиқ этиш лозим



Ўқувчиларни ажодларимизнинг бой маънавий меросидан бохабар этиш, улар қалбини санъатга ошно этиш ўқитувчидан юксак маҳорат ва малака талаб этади. Бу борада умумтаълим тизимида амалий фанларни сифатли ўқитиш ва тарбиявий ишларни тизимли ташкил этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

(Давоми 11-бетда.)

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Атоқли маърифатпарвар аждодимиз ўзига Ибрат тахаллусини беҳиз танлаганидан, деди Президентимиз. Унинг элу юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда. Бу ерда шундай муҳит яратиш керакки, аллома бобомизга муносиб бўлсин. Ёшлар ҳорихий тилларни, аждодлари тарихини чуқур ўргансин. Пойтахтимиздаги университетлар ўқитувчилари, чет эллик мутахассислар келиб дарс берсин.

Гап ёшлар тарбияси ҳақида борар экан, бу борада шошмаслик, ёшлар ва ота-оналарнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш тутиш керак, деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев тумандаги Наманган кўчасида халқ ичига кириб, одамлар билан мuloqот қилди. Аҳоли Президентимиз ташрифидан хурсандлигини, амалга оширилган ўзгариш ва янгиликлардан мамнун эканини изҳор этди.

Давлатимиз раҳбари Мингбулоқ туманидаги "Мингбулоқнефть" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонасига ташриф буюрди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 11-13 май кунлари Хитойга давлат ташрифи давомида Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгаши раиси Ван Илин билан учрашди. Мазкур корпорация мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазिश, Муборак газ-кимё мажмуасида табиғий газни чуқур қайта ишлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Учрашувда юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

"Мингбулоқ конида қидирув ва қазиб олиш" лойиҳаси узок истиқболга мўлжалланган кенг кўламли лойиҳадир. Лойиҳа доирасида 4 қидирув-бургилаш қудуғи ишга туширилади ва 4 мавжуд қудуқ капитал таъмирланади.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил Давлат инвестиция дастурининг манзилли рўйхатида киритилган бўлиб, айна пайтда бош пудратчи — "Xibu Duolling Engineering" компанияси бургилаш майдони ва вахта қароргоҳидаги тайёргарлик ишлари якунига етказилди. Жорий йилда Мингбулоқ нефть қони мазмурий биносини таъмирлаш, М15 қидирув-бургилаш қудуғини ишга тушириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш учун Хитой молия-тижорат институтлари киритадиган 15 миллион долларга тенг сармоа ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Қўшма бу ерда М15 қидирув қудуғи ишга туширилди. Қудуқда бургилаш ишлари катта — 6 минг метргача чуқурлик, аномал босим — 1200 атмосфера босими ва коллаторларнинг геологик мураккаб тузилиши шароитида олиб борилиши энг замона-

вий муҳандислик ечимларини тақозо этади. 25 йилга мўлжалланган ва умумий қиймати 255 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу лойиҳа натижасида Мингбулоқ нефть қонидан йилга 200 минг тонна суюқ углеводород қазиб олиш режалаштирилган.

М15 қидирув-бургилаш қудуғининг ишга туширилиши билан 130 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Президентимиз ушбу корхона мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим ўрни тутишини таъкидлади. Курувчилар ва хитойлик мутахассислар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Фаргона водийсида ўтказилган геологик қидирув ишлари натижалари ҳақида маълумот берилди. Қидирув ишлари кўйлаб турдаги табиий бойликларни аниқлаш имконини берди. Келгусида уларни ўзлаштириш бўйича замонавий корхоналар ташкил этилади.

Наманган вилоятида қуриладиган гидроэлектр станциялари лойиҳаси ҳам намойиш қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги "2017—2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Наманган вилоятида умумий қуввати 38,5 мВт, ишлаб чиқариш қуввати 150,8 миллион кВт соатни ташкил этувчи кичик гидроэлектр станцияларини қуриш кўзда тутилган. Жумладан, Учқўрғон тумани ҳудудида Катта Фаргона каналида кичик ГЭСлар каскадини қуриш режалаштирилган.

Президентимиз сувдан энергия олиш табиат инъом этган имконият, бундай энергия қайта тикланиши, экологик тозаллиги ва арзонлиги билан афзал эканини таъкидлади. Хитой тажрибаси асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудида кичик гидроэлектр станциялари қурилиши, келгусида электр таъминотининг катта қисми ушбу манбалар ҳисобидан қопланишини қайд этди.

Сув тозалаш иншоотлари барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қарорини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги «Gold Fresh Fruits» масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳалари билан танишди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, айниқса, қорвачилик, паррандачилик, боғдорчиликни ривожлантириш, бу борада янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилаётган алоҳида эътибор озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. «Gold Fresh Fruits» МЧЖда 482 гектарлик интенсив боғ ташкил этилган. 300 дан зиёд киши меҳнат қилаётган жамиятда гилос, олхўри, шафтоли, хурмо ва ўрик кўчатлари парваришланмоқда. 104 гектар ер гилос кўчати экиш учун тайёрланмоқда.

Корхона ҳудудида 2018 йил охиригача яна 400 гек-

тардан ортиқ майдонда гилос боғи ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун 45 миллион доллар маблағ сарфланади. Бир йилда 10 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш, 30 миллион долларлик экспорт қилиш кўзда тутилган. Корхонада 6,5 гектарда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш логистика маркази ташкил этиш мўлжалланган. Натижада 300 янги иш ўрни яратилди.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги 2016—2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бўйича Халқ банки қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Банкнинг молиявий кўмагида Тўрақўрғон туманида ташкил этиладиган 2 минг бош қорамолга мўлжалланган қорвачилик комплекси ва сутни қайта ишлаш лойиҳаси шулар жумласидандир. Лойиҳа қиймати 11,8 миллиард сўмлик ушбу комплекснинг ер майдони 510 гектар бўлиб, шундан қорва моллари учун озуқа маҳсулотлари етиштиришга 500 гектар, қурилиш ишлари учун 10 гектар ер ажратилиши режалаштирилган. Комплексида йилга 4 минг 280 тонна сут, 150 тонна гўшт етиштирилади. Лойиҳани 2018 йилнинг учинчи қоррагида ишга тушириш мўлжалланган.

Шу ерда Учқўрғон туманидаги «Muhammadali hamkor biznes» масъулияти чекланган жамиятида 10 гектарда иссиқхона ва тоmat пастаси ишлаб чиқариш заводи, Наманган шаҳридаги «Jahon javohiri invest» ва Поп туманидаги «Namangan agro logistic» МЧЖларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда иссиқхона ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Юқори технологиялар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчиликни ривожлантириш, айниқса, гилоснинг серхосил, эртапишар навларини экишни кўпайтириш керак, деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев Поп туманидаги "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли Кўмир брикети ишлаб чиқариш заводига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда энергетика соҳаси изчил ислоҳ этилмоқда. Энергия манбалари диверсификация қилиниб, аҳоли ва ташкилотларга бир неча турдаги энергия етказиб бериш чоралари кўриломоқда.

Поп туманида шу соҳадаги яна бир корхона ишга туширилди. Қиймати 7 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа натижасида йилга 500 минг тонна кўмир брикети ишлаб чиқарилади. Корхонада 160 иш ўрни яратилди.

Президентимиз брикет ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Маҳсулотнинг нархи, самарадорлиги билан қизиқди. Заводда кўмир қукуни замонавий технология асосида қайта ишланиб, қуввати юқори моддалар билан бойитилади, ҳид ва зарарли газлардан тозаланади, ташиш

учун қулай қилиб қадоқланади.

Завод маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудларига тарқатиш пунктлари ташкил этиш, брикет ва уни ёқишга мос печларни аҳолига етказиб бериш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратиш кераклиги таъкидланди.

Бу ерда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди. Наманган вилоятида 2017—2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга 200 миллион долларлик инвестиция йўналтирилмоқда.

Бундан мақсад — аҳолини арзон, сифатли, кенг турдаги қурилиш материаллари билан таъминлаш, янги иш жойлари очиб. Бундай материаллар кўп ва арзон бўлса, одамлар уй-жой қуради, янги мактаб ва шифохоналар, корхоналар, йўллар бунёд этилади. Халқимиз фаровонлиги янада ошади.

Поп туманида цемент, шифер, асбест қувурлар, бетон ва ярим синтетик мойлаш материаллари, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида цемент, Наманган шаҳрида керамика плита ва сантехника маҳсулотлари, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида пишк гўшт, Чуст туманида пардозлаш тошлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Чуст туманида қурилаётган Усимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи завод фаолияти билан танишди. "Ифода агро кимё химоя" масъулияти чекланган жамияти ўз маблаг ва "Хамкорбанк" кредити ҳисобидан бунёд этаётган ушбу заводда қишлоқ хўжалиги экинларини турли касалликлардан ҳимоя қилувчи 28 турдаги кимёвий препаратлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Корхонанинг лойиҳа қиймати 6,5 миллион долларни ташкил этади.

Ушбу завод ишга тушганидан кейин кимёвий препаратларни хориждан келтиришга эътибор қолмайди, бундай маҳсулот билан мамлакатимизни тўлиқ таъминлаш, ҳатто уни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Президентимиз препаратларни тайёрлашда илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, экспортни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Наманган вилояти ҳудудидаги паст рентабелли адирларда ёнқозор, пистазорлар бунёд этиш, пахта ва ғалла майдонларини камайитириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қовул экишни ташкил қилиш, паррандачилик ва экинчиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари кам ҳосил берадиган, зарар қўриб ишлаётган туманларда пахта майдонларини кескин камайитириш, унинг ўрнига юқори даромад берадиган мева-сабзавот, полиз экинлари экиш лозимлигини таъкидлади. Токи одамларимиз меҳнати-

нинг роҳатини кўрсин, ҳаётидан рози бўлсин.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида, жумладан, Наманган вилоятида ўсадиган қовул барги, меваси ва томир бўсти табобатда қўлланилади. Турли шишаларни даволаш, нафас қисши, талок қотиши, қуртларни ҳайдаш, полиартрит, бўқоқ каби касалликларни даволашда ишлатилади. Бу йил вилоятда 3 минг гектардан зиёд майдонда ушбу ўсимликни экиш режалаштирилган. Кам харажат ва оз меҳнат талаб қиладиган бу ўсимликдан йилга тўрт марта ҳосил олиш мумкин.

Қовул етиштириш бўйича илмий асослар ишлаб чиқиш, экспорт қилиш механизмининг яратиш, вилоятда қовулчиликни ривожлантириш бўйича асоциация ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зибратгоҳини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

Султон Увайс Қараний зибратгоҳи Наманган вилоятидаги муборак масканлардан биридир. Қадамжо мақбара, масжид, рамзий дарвоза ва музейдан иборат.

Қадамжони қадимий усулда таъмирлаш, кенг ва обод зибратгоҳга айлантириш, зибратчиларга зарур шароитлар яратиш, кутубхона ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев Чортоқ туманидаги чегара постини бориб кўрди.

Поста ҳарбийларимиз учун барча зарур шароитлар яратилган.

Президентимиз чегара постда хизмат қилаётган ҳарбийлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Янгиқўрғон туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла аҳли билан суҳбатлашди. Фуқаролар маҳалла тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор жамиятда маънавий муҳитни, одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Наманган шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги бошқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мuloqот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

2017-yil 8-iyul, № 54 (9015)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФармониЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегияси демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултоий қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар куни", деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида куйидагилар белги-лансин:

биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний кадрларга хурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

учинчидан, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллиги-

ни ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

тўртинчидан, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш;

бешинчидан, ёшларнинг илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, "оммавий маданият" ва бошқа ёт ғояларга қарши мустақкам иммунитетни шакллантириш;

олтинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш куриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

еттинчидан, ёшларни, айниқса, улар уюлмаган қизмининг бўш вақтини маъмул ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулла-нишга, ижодий тўғрақлар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

саккизинчидан, ёш оилалар, хусусан, имкони-яти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

тўққизинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

ўнинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок

этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захира-сини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

ўн биринчидан, ёшлар сиёсати соҳасида халқроқ ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

ўн иккинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан қўмақ бериш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг ёшлар сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш шўъбаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати** ташкил этилсин.

Хизматнинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ўрганиш ва таҳлиллар асосида соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тако-

миллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар хизмати бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

5. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси** раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига қўра **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади**.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати, Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритсин.

7. **Ёшлар масалалари бўйича республика идораларо кенгаши иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин**.

Идораларо кенгашнинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белги-лансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан қўмаклашиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назорат ўрнатиш.

8. **Қорақалпоғистон**

Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идораларо кенгашлар тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ёшлар масалалари бўйича республика идораларо кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идораларо кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқла-син.

9. Буюқ давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак ғояларни ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишни инobatга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига **"Темурбеклар мактаби"** номи берилсин.

10. Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолияти натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатида оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Туркистон" ва "Молодёжь Узбекистана" газеталари, "Ёш куч" журна-ли ҳамда бошқа ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган **"Ёшлар на-шриёти уйи"** ташкил қилинсин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда **"Қизларжон"** журналини таъсис этсин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида "Мен севиб ўқиган китоб" ва "Энг яхши китобхон" республика танловларини, "Китоб байрами" ва "Бола-лар китоблари" аънавий республика фестивалларини;

"Биз Ватанга таянчимиз", "Бизнинг энг катта таянч-миз ва сунчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар" шiorлари остидаги акция-ларни;

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

(Давоми. Боши 1-, 3-бетларда.)

“Адабиёт ва санъат — шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шoirлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувлари; республиканинг чекка худудларида халқ рассомлари, халқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун “Бунёдкор халқим билан мулоқот — ижодим илҳоми” мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувлари;

“Энг буюк жасорат — маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқин ва амалга оширсин.

12. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

Анджон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Ёшлар марказлари биноларини қуриш, Бухоро ва Хоразм вилоятлари Ёшлар марказлари бинолари қурилишини тугаллаш ва фойдаланишга топшириш, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари Ёшлар марказлари биноларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича дастур лойиҳасини;

республиканинг барча туман ва шаҳарларида синов тарихида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимининг жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари иштирокига бегараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликларга, жумладан, кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек, ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини 6 ойгача бўлган муддатда касб-хунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури лойиҳасини

ишлаб чиқин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг:

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “катта етакчи” ва “тўғарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган “ёшлар етакчиси” штат бирлигини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоиз миқдорда ҳар ойлик устама белгилаш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоши ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш;

юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажақ бунёдкори” медалини таъсис этиш;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш;

таълим муассасасини таъминлашга уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солигини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил

этиладиган шўъба корхоналарини 2017 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясининг янгиланган устави ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасини киритсин;

“Мард ўғлон” ва “Келажақ бунёдкори” давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича тақлиф тайёрласин.

15. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиларини сақлаш харажатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ҳисобидан қопланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракт миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва иш ўрни шaroитларини яхшилаш мақсадида 2018—2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйлари барпо этиш дастурини ишлаб чиқин ва тасдиқласин.

Ёшлар уйлари барпо этиш дастурида барча йирик шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ туманларида — 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга “Матиз” ва “Дамас” автомобилларини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда:

туман марказлари ва шаҳарларида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишни;

фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартибин жорий этишни таъминласин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбекнефтгаз” МХК ва “Ўзбектелеком” АКнинг “Yoshlar” телерадиоканали АЖнинг 50 фоиз акцияларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқига бериш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда “Yoshlar” телерадиоканали АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

20. Давлат ҳокимияти ва бoshqaruvi organlari раҳбарлари ҳар ойда камидан бир марта ёшлар билан очик мулоқотларни ўтказиб бориш амалиётини жорий этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Қ.Қ.Қуронбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 июль

2017-yil 8-iyul, № 54 (9015)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонида шарҳ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамадан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тadbиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар кuni" сифатида нishonlanadi.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқида 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаолигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар кўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат сиёса-

тининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёزلар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга гоғийвий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан қўллаб-қувватлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаоли-

ятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралари кенгаши ташкил этилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқон Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идораларга кенгашлар фаолият юр-тади.

Буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инobatга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига "Темурбеклар мактаби" номи берилди.

Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолият натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг нашрларини чоп этишга ихтисослашган "Ёшлар нашриёти уйи" ташкил этилади. Қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш мақсадида "Қизлардон" жур-нали таъсис этилди.

Фармонга кўра, ёшларда китоб мутолааси ва китоб-хонлик маданиятини оширишга қаратилган "Мен севиб ўқиган китоб" ва "Энг яхши китобхон" республика танловлари, "Китоб байрами" ва "Болалар китоблари" аънавий республика фестиваллари, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга қаратилган акциялар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар билан ижодий учрашувлар ва мастер-класслар тизимли ташкил этилиши белгиланди.

Шу билан бирга, 2017—2018 ўқув йилидан бошлаб 2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида "катта етакчи" ва "тўғра раҳбар" штат бирликларини тугатиш ҳисобида лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган "ёшлар етакчиси" штат бирлиги жорий этилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида "ёшлар етакчиси" вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директори ҳамғармаси маблағлари ҳисобдан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқ-

дорида ҳар ойлик устама белгиланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хошиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилиши Фармонда белгиланган.

Юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришадиган йигитларни тақдирлаш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида "Келажак бунёдкори" медали таъсис этилди.

Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланди.

Таълим муассасасини таъминлашга уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тadbиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривож-

лантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўлими тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларини янада кўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018—2021 йилларда мўлжалланган Ёшлар уйлари барпо этиш дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастурда барча йирик шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ туманларида — 1-2 қаватли маънавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга "Матиз" ва "Дамас" автомобилларини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Республикамизнинг туман марказлари ва шаҳарларда Ёшлар тadbиркорлик кластерлари ташкил этилади.

Фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тadbиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартиби жорий этилади.

"Yoshlar" телерадиоканали АЖ фаолиятини кучайтириш мақсадида унинг 50 фоиз акциялари Ўзбекистон ёшлар иттифоқида берилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камидан бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиёти жорий этилади.

Анджон вилояти ҳоқими Шухрат Абдурахмонов Марҳамат туманида ёшлар билан учрашди.

Марҳамат қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежиди бўлиб ўтган тadbирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг интилиш ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, истеъдод ва имкониятини тўлақонли намоён этиши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириши, мавжуд муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг жорий йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини

2 нафари Олимпиада чемпионлигини қўлга киритди. "Баркамол авлод — 2017" спорт ўйинларида вилоят жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Тadbирда Анджон шаҳрида умумий лойиҳа қиймати 10 миллиард сўм бўлган замонавий "Ёшлар маркази" барпо этилаётгани, бу вилоят ёшларининг истеъдод ва салоҳиятини юзга чиқаришида янада кенг имконият яратиши қайд этилди.

Турли масалалар билан murojaat қилган ёшларнинг муаммоларини мутасадди раҳбарлар шу жойнинг ўзиде ҳал этди. Вилоят ҳоқими ёшларнинг

Ҳоқим ёшлар билан учрашди

қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармониде белгиланган вазифалар ижроси доирасиде ўтказилган учрашувда вилоят ташкилотлари раҳбарлари, олий ўқув юртлири ректорлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари етакчилари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари, уюшмаган ёшлар вакиллари иштирок этди.

Мулоқотда мазкур ҳужжат мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиши, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳар бир ёш интиладиган, уларнинг қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашадиган, муаммоларини ҳал этадиган, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айланадиган ташкилот бўлиши таъкидланди.

Вилоят аҳолисининг 57 фоизи ёшлардир. Уларнинг аксарияти жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этмоқда. Ишлаб чиқариш, тadbиркорлик, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришмоқда. Жумладан, кейинги 2 йилда 3 минг 500 дан ортқ вилоят ёшлари мамлакат ва халқро миқёсдаги фан олимпиадалари, турли танлов ва спорт мусобақаларида голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тadbиркорликка жалб этиш, мақсад ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни турли ёт гоьлар ва "оммавий маданият" таъсиридан асраш, ёшлар иштирокидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фармонда белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз бажариш, бу борадаги ишлар самардорлигини оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, барча даражадаги раҳбарлар ва мутасаддилар масъулиятини янада кучайтириш юзасидан фикр билдирди.

— Бугунги тadbир барчамизда катта таассурот қолдирди, — дейди Марҳамат ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика коллежи ўқувчиси Гулшаной Мамадиёрова. — Президентимиз раҳнамолигида биз, ёшлар учун барча шароит ва кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу бизни янада фаол бўлишга, фақат аъло баҳоларга ўқиш ва сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Бундай юксак эътибор ва гамхўрликка жавобан биз Президентимиз ишончини оқлашга, халқимизга муносиб фарзанд бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Учрашувда вилоят ҳоқими ёшларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
УзА мухбири

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти танқидий таҳлил қилинди

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишда партия ташкилотлари олдиде турган долзарб вазифаларга бағишланган давра сўхбати ташкил қилди.

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ногиронлар ва Кўзи ожизлар жамиятлари, Касаба уюшмалари федерацияси вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари У.Вафоев ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани, 30 июнь Ёшлар куни, деб эълон қилинган ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлиқнинг, уларни қўллаб-қувватлашининг, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишининг амалдаги ифодаси эканини таъкидлади.

Президентимиз ёшлар қурултойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи олдига қўйган долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб бергани сиёсий партиялар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкламоқда. Мазкур тadbирдан кўзланган асосий мақсад — Президентимизнинг мазкур тарихий маърузаси мазмун-моҳиятини партия фаоллари, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, партия электорати бўлган жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни жамиятнинг фаол ёшлари сафига қўшишга кўмаклашиш, уюшмаган ёшларнинг сиёсий-ижтимоий

фаоллигини оширишдан иборат.

Тadbирда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича партия ташкилотларидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти масалаларга кенгроқ ёндашиши кераклиги таъкидланди. Бу борада жойларда олиб борилаётган ишларни аниқ мақсадга йўналтириш, ўтказилаётган тadbирларни юқори савияда ташкил этиш, ёшлар муаммоларини чуқур ўрганиш ва уларни ҳал қилишга амалий ёрдам кўрсатиш лозимлиги айтиб ўтилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата билдирган ишонч ва қатъият бағишловчи фикрлари биз, ёшларни руҳлантириб юборди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоли Хонзода Холматова. — Президентимиз ёшларга кенг имкониятлар бериш билан бирга, ҳар бир ёш авлод намошу эътибор ва гамхўрликка муносиб бўлиб, эл-юрт олдидаги бурчини бажариши лозимлигини таъкидлади. Бу ишончини оқлаш, мамлакатимиздаги ислохотларда фаол иштирок этиш доимий бурчимиздир.

Тadbирда партия тизимида ёшлар масаласида олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди. «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Г.САТТОРОВА,
УзА мухбири

Ёшлар иттифоқи таянчимиз ва суянчимизга айланади

«Бугун сизларнинг қалбингиз, юрагингиздаги ўй-фикрлар, мақсад-муддаолар, керак бўлса, ушаламай турган ниятлар билан яқиндан танишини, шу асосда ёшлар сиёсати бўйича олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қилишни мен ўз фаолиятим учун гоьят муҳим деб ҳисоблайман».

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида ана шу фикрларни баён қилиб, биз ёшларни жуда руҳлантирди. Ёш авлоднинг маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши қалбимизга чексиз гурур, ифтихор бағишлайди.

Университетда «Камолот» етакчиси бўлганим боис, ташкилот фаолияти билан яқин танишман. Етакчи сифатида менга спорт, ҳарбий ватанпарварлик, экология, иқтидорли талабалар билан ишлаш каби 9 та йўналиш сар-

дорларига раҳбарлик қилиш юклатилган. Бироқ сайланган сардорлар икки-уч ойдан ортқ ишламаган. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас деганларидек, талабаларни тadbирга жалб этишда қийналардим. Университетимизда тахсил оладиган 3750 нафардан ортқ талабанинг 10-15 фоизигина «Камолот» лойиҳаларига қизиққан, ҳолос. Нима учун? Чунки «Камолот» ЕИХ Президентимиз таъкидлаганидек, асосан ўз атофиде ўзига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб борди.

Хусусан, «Балли, йигитлар», «Шунқорлар», «Юрт келажаги» каби лойиҳалар ўзини оқла-

мади, иштирокчилар ихтиёрий-мажбурий тарзда жалб этилди. Бунинг натижасида ташкилотнинг кўплаб лойиҳалари вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотди. Ёзги таътил даврида ташкил этиладиган «Бунёдкор ёшлар» меҳнат ҳаракати лойиҳаси фақат

Munosabat

қурилиш-таъмирлаш йўналишида бўлгани боис, университетимиздан ҳеч ким қатнашмасди. Агар мазкур лойиҳанинг туризм йўналиши ҳам жорий этилганида, Тошкент шаҳридаги Халқро Вестминстер, Турин политехника, Инха университетлари ҳамда Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабалари ҳам қатнашарди. Юртимизга келаётган туристларга хизмат кўрсатиб, ҳам тажриба оширарди, ҳам моддий ва маънавий томондан манфаатдор бўлар эди.

Лондонга борганимда у ердаги олий таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиб, хорижлик талабалар билан фикр алмашдим. Уларда ҳам худди биздагидек «Youth union» деган ёшлар ташкилоти бор. У йиллик режа ва вазифаларини ёшлар фикр-мулоҳазалари асосида тузади. Тadbир ва фестиваллар ўтказишга кўп ургу берилмайди. Улар ёшларни бирлаштириш, дунёқарашини шакллантириш учун асосан турли мастер-класс, тарғибот лойиҳалари ва саёхатлар ташкил этади. Фаол иштирок этган ёшлар «Youth union» тавсияномаси билан тақдирланади. Бундай эътирофга эга бўлган ўғил-қиз нуфузли олий таълим муассасаларига грант асосида ўқишга кириш имкониятига эга бўлади. Бизда-чи, тавсияномаларнинг қадрли шунчалар пасайиб кетди-ки, уни олган ёшларни исталганча топиш мумкин.

Қурултойда Президентимиз

мизнинг «Ёшлар туризми» уюшмасини ташкил этиш юзасидан билдирган тақлифи халқро йўналишда тахсил олаётган ёшлар учун маъқул келмоқда. Президентимизнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармониде ёшлар сиёсати соҳасида халқро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда тахсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тadbирларни амалга ошириш қонун билан қафолатланди. Бундай чора-тadbирларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлангани биз ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга.

«Ёшлар — келажак бунёдкори» шиори остида ўз профессионал фаолиятини бошлаган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Президентимиз тавбири билан айтганда, юртимиз ёшларининг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланади.

Умиджон ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳридаги Халқро Вестминстер университети талабаси

2017-yil 8-iyul, № 54 (9015)

Мақсадли қабул

худудларда малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қоплашга хизмат қилади

Юртимиз олий таълим муассасаларида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни қизғин давом этмоқда. Айниқса, тиббий таълим йўналишидаги янгиликлар кўлаб ёшлар ва ота-оналарни қизиқтирди. Бўла-жаз умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш муддати 7 йилдан 6 йилга, олий ҳамширалик иши таълим йўналишида ўқиш 4 йилдан 3 йилга қисқартирилиши ота-оналар ва талабаларни мамнун этди. Бундан ташқари, шу йилдан бошлаб юртимиздаги барча тиббиёт олий таълим муассасаларида малакали тиббиёт кадрларига талаб юқори бўлган худудлар учун давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш бошланади. Президентимизнинг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, барча тиббиёт олий ўқув юртиларида худудлар кесимида мақсадли қабул бўйича квоталар эълон қилинди.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академиясида ҳам даволаш иши, тиббий-профилактика иши, олий ҳамширалик иши таълим йўналишларига мақсадли қабул учун 203 ўрин ажратилган. Ушбу ўринларга Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида доимий рўйхатда турган ва ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичини ўз вилоятидаги академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида таълим олган абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Жараён билан яқиндан танишиш мақсадида ўқув муассасасида бўлади.

Абитуриент, аввало, маслаҳатчига учрашди. Тақдим этилаётган ҳужжатлари етарли экани маълум бўлгач, касбга йўналтириш хонасига юборилади. Масъул мутахассислар

абитуриентларни ҳужжат топшироқчи бўлган таълим йўналиши, ушбу йўналишни битиргандан сўнг эгаллини зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар, факультетлар ҳаёти, шунингдек, бу йилги тиббий олий таълимдаги янгиликлар билан таништиради. Айниқса, мақсадли квоталар, кўшимча тўлов-шартнома асосида таълим олиш имконияти хусусида зарурий маълумот берилади.

— Мақсадли қабул квотаси масаласида юртдошларимиз кўлаб саволлар билан мурожаат қилишмоқда, — дейди Тошкент тиббиёт академияси қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Рустам Матмуродов. — Бу тартиб биринчи марта йўлга қўйилгани учун айрим тушунмовчиликлар ҳам кузатиляпти. Жумладан, абитуриентлар орасида худудий ҳоким-

ликлар тавсияномалари билан келаётганлар ва бунга ўқишга кириш учун кафолат сифатида қараётганлар ҳам бор.

Ваҳоланки, бундай тавсияномаларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Биз уларга бу ҳақда асосли тушунчалар бераямиз.

Рустам Матмуродовнинг изоҳ беришича, мақсадли қабул жойларда тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан берилган тақлифлар асосида шакллантирилган. Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 20 июндаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги низомининг 3-бандида келтирилишича, мақсадли қабулда танлов ҳар бир худуд бўйича алоҳида ўтказилади. Масалан, Жиззах вилоятидан Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш иши таълим йўналишига давлат гранти асосида 25 та ўрин ажратилган бўлса, ҳужжат топширилган Жиззахлик абитуриентларнинг кириш имтиҳонидан энг юқори балл тўплаган 25 нафари Давлат тест маркази томонидан саралаб берилади. Мақсадли қабул танловида қатнашиб давлат гранти асосида қабул қилинмаган абитуриентлар эса тўплаган баллари билан мазкур таълим йўналишида умумий тўлов-



Abituriyent — 2017

контракт доирасидаги танловда иштирок этади. Мақсадли қабулнинг аҳамияти шундаки, чекка туманлардаги тиббиёт бирлашмалари олий маълумотли малакали шифокорлар билан тўлиқ таъминланади. Касбга йўналтириш хоналарида ёшлардан энг кўп берилаётган савол ёки билдирилаётган эътироз ҳам шу: мақсадли қабул учун абитуриент ўз худудидаги академик лицей ёки коллежга тугатган бўлиши шартми? Бунга доимий рўйхатда туришининг ўзи кифоя қилмайдими?

— Бу масала "Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги низомининг 10-бандида аниқ-равшан белгиланган, — дейди Рустам Матмуродов. — Дейлик, Сирдарё вилояти учун ажратилган квотага фақат ўша худудда доимий рўйхатда турганлар ҳужжат топшира олади. Хатто ўша вилоятда доимий рўйхатдан ўтган абитуриент Тошкент шаҳридаги академик лицей ёки касб-хунар коллежини тамомлаган бўлса ҳам, мақсадли қабулда қатнашиш имкони йўқ. Саволларига етарлича жавоб олган абитуриент касбга йўналтириш хонасидан тиббий кўрик хонаси томон йўл олади. Бу ерда у офтальмолог, терапевт ва

ЛОП кўригидан ўтиши шарт. Акс ҳолда ҳужжатлар қабул қилинмайди. Айниқса, офтальмологнинг қабулидан қайтиш эҳтимоли кучли. Чунки абитуриент уч-тўрт сонияда ранглар ичига яширинган шакллари аниқ айтиб бериши лозим. Бу тиббиёт мутахассиси учун жуда муҳим. Қабул бошлангандан шу кунга қадар юзга яқин абитуриент турли қарши қўрсатмалар орқали тиббий кўрик хонасидан ортга қайтган. Шу аснода айрим тиббиёт муассасаларида ёшларга 086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома кўрикларисиз тайёрлаб берилаётгани маълум бўлади.

Абитуриентнинг сўнгги манзили — ариза ёзиш столи. Ҳужжатларни топшириб бўлиб, тест синовларига кириш руҳсатномасини олиш муддатини билгач, ташқарига йўналади.

Тошкент тиббиёт академиясида 1 август куни тест синовларини ўтказиш учун 7500 ўринга мўлжалланган 6 та бино шай ҳолга келтирилган. Шу билан бирга магистратура таълим мутахассисликлари учун ҳам ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ушбу босқич учун янгиликлардан бири — янги ўқув йилидан бошлаб, "Атрофмуҳит ва инсон саломатлиги" таълим йўналишида магистратура мутахассислиги ташкил этилади.

Аҳбор УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Тўлов-шартнома миқдори маълум қилинди

Юртимизда кечаётган қизғин янгилаш жараёни олий таълим тизимида ҳам муайян ўзгаришларни амалга оширишни талаб этмоқда. Зеро, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан мазкур тизимда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлилигига, билим ва салоҳиятига бевосита боғлиқ. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизда олий таълимни ривожлантириш, ўқитиш мазмунини давр талабларига мослаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга изчил эътибор қаратилади. Бироқ бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, олий малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ислохотларни янги босқичда давом эттириш зарурати юзага келди.

Президентимиз томонидан "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарорларининг қабул қилиниши соҳада ечимини қутаётган қатор масалаларни ҳал этиш, олий таълим сифатини янги босқичга қўтариш баробарида унинг дастлабки ва муҳим бўғини бўлган қабул жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, белгиланган квоталардан ташқари оширилган тўлов-контракт суммаси бўйича кўшимча қабул тартибининг жорий этилиши абитуриентлар учун қатор қулайликлар яратди. Шу кунгача кенг жамоатчиликда оширилган тўлов-контракт суммаси ҳамда

қабул тартиби бўйича кўлаб саволлар йиғилиб қолган эди. Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 20 июнда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини қўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги низомлани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори мазкур саволларга ойдинлик киритди. Унга кўра, кўшимча тўлов-контракт асосида ўқиш истагидаги абитуриентлар биринчи ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатда муайян суммани тўлиқ тўла бўлгач, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларининг

тақлифига мувофиқ, уларнинг ички имконияти, танлов ва тўплаган баллар миқдорига қараб, Давлат комиссияси қарори асосида абитуриентлар тўлов-контракт бўйича квотадан ташқари кўшимча ўқишга қабул қилиниши мумкин. Бунда ҳолислик, ҳаққонийлик ва шафқатли таълимнинг инновативлиги, ўқиш истагини билдирган абитуриентлар баллар кетма-кетлиги бўйича кўшимча тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилади.

Тўплаган бали қабул квотаси чегарасига бир балгача етмаган абитуриентлар тасдиқланган тўлов-контракт суммасининг 1,5 баробари, 1,1 — 2 балл етмаганлар 2 баробари, 2,1 — 3 балл етмаганлар 2,5 баробари, 3,1 — 4 балл етмаганлар 3 баробари миқдоридан шартнома пулини тўлаши белгиланган. Шунингдек, кириш синовларида энг юқори баллнинг 30 фоизи (68 балл)дан кам балл тўплаган, асосий квоталар ва Давлат комиссияси томонидан белгиланган кўшимча ўринларга қабул қилинмаган, бироқ ўқиш истагини билдирган абитуриентлар амалда ўрнатилган тўлов-контракт суммасининг 10 баробаридан ортиқ миқдорда шартнома пули-

ни тўлаш шarti билан ўқишга кириши мумкин. Биринчи ўқув йили учун тўлов-контракт миқдори таълим йўналишидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланади. Талаба шартнома пулини биринчи ўқув йилида оширилган контракт суммада, кейинги ўқув йилидан бошлаб амалда ўрнатилган базавий тўлов-контракт миқдоридан тўлайди.

Президентимизнинг шу йил 23 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2017/2018 ўқув йилида олий таълим муассасаларида бакалаврият ва магистратура таълим йўналишлари бўйича бир талабани бир йиллик ўқитиш қиймати 2016/2017 ўқув йилидаги даражада сақлаб қолинди.

Аҳбор АРЗИБЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратораси
бошқарма катта прокурори,
Фарҳод ЮЛДАШОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратораси
бошқарма прокурори

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

Ona tili

An'anaviy avgust kengashlarining ona tili fani bo'yicha sho'ba yig'ilishlarida Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-sonli qarori mazmun-mohiyatini tushuntirish, kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturlarini amaliyotga samarali joriy etish yuzasidan zarur tavsiyalar berish muhim. Shuningdek, ilg'or tajribalarni namoyish etish va ommalashtirish, bilimlar bellashuvi hamda fan olimpiadasi natijalari tahlili yuzasidan fikr-mulohazalar umumlashtirilib, tavsiyalar ishlab chiqilishi, kelgusidagi rejalar belgilab olinishi kerak. Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'quv, ilmiy-metodik, ma'naviy-axloqiy tarbiya faoliyatida samarali natijalarga erishayotgan, kasbiy mahorati yuqori bo'lgan o'qituvchilarning ish tajribalarini aniqlash, o'rganish, ommalashtirish maqsadida tashkil etilgan "Mahorat maktablari"da o'quv yili davomida amalga oshirilgan ishlar, ilg'or tajribalarning o'rganilishi sho'ba ishlari samaradorligini oshiradi.

Ona tili fanidan o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan DTSga muvofiq umumiy o'rta ta'lim muassasalarida ona tili fanini o'qitish quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinf bitiruvchilari bilim darajasi **A1**, ona tili fani chuqur o'rganiladigan sinflar va ixtisoslashtirilgan maktablarining 4-sinfi **A1+**, umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi **A2**, ona tili fani chuqur o'rganiladigan sinflar va ixtisoslashtirilgan maktablarining 9-sinfi **A2+** daraja deb belgilangan. Kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan DTS o'quvchilarda fanga oid nutqiy va lingvistik kompetensiyalarni shakllantirishni nazarda tutadi.

Nutqiy kompetensiya (tinglab tushunish, so'zlash, o'qish, yozish) – o'quvchi shaxsini fikrlashga, o'zgarar fikrini anglashga, o'z fikrini og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga va uni rivojlantirishga qaratilgan.

Lingvistik kompetensiya – o'quvchilarda grammatikaga oid o'zlashtiriladigan bilimlarni (fonetika, leksikologiya, so'zning tarkibi, so'z yasalishi, morfologiya, sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarni) rivojlantirish hamda bunday keng imkoniyatlardan unimli foydalangan holda fikrni to'g'ri va ravon bayon eta olishga qaratilgan.

Maktab bitiruvchilariga qo'yilgan malaka talablaridan kelib chiqib o'quv dasturlarining mazmuni ham o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltiriladi.

5–9-sinf o'quv dasturlari amaldagi o'quv dasturlari bilan qiyosiy tahlil qilinganda qator o'zgarishlar bo'ldi. Xususan, o'quv dasturida keltirilgan "Uqtirish xati"ga ona tili fanini o'qitishning ahamiyati va unga zamonaviy yondashuvlar, fanni o'qitishning maqsad va vazifalari, bitiruvchilarga qo'yiladigan malaka talabari kiritildi. Har bir sinf uchun o'quvchilarda shakllantirilishi lozim bo'lgan shu sinfga xos tayanch kompetensiya elementlari berildi. Shuningdek, o'rganiladigan bo'lim va mavzular nomi hamda ularga ajratilgan soatlar ko'rsatildi. Bunda har bir bo'lim mazmuni va fanga oid kompetensiyalar elementlari ochib berildi. Ona tili fanining xususiyatidan kelib chiqib o'quvchilarda fanga oid kompetensiyalar elementlarining shakllanganlik darajasini aniqlash

maqsadida nazorat ishi qo'yildi va mustahkamlash, takrorlash soatlar hajmi belgilandi. A2 va A2+ daraja (9-sinf) yakunida o'quvchilarda shakllangan tayanch hamda fanga oid kompetensiyalar elementlari keltirildi.

A2 bosqichi o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan dasturga 4 tadan yangi mavzu (5-, 6-, 7-, 9-sinflar) kiritildi va 5-sinfda 34 foiz, 6-sinfda 2,3 foiz, 7-sinfda 6 foiz, 8-sinfda 3 foiz, 9-sinfda 10 foiz o'zgarish bo'ldi. 5-sinf o'quv dasturida "Leksikologiya" bo'limidagi soatlar kengaytirilib, 37 soat qo'shildi. Dasturdagi "Morfologiya" bo'limiga amaldagi dasturda ajratilgan 40 soat 17 soatga, "Sintaksis" bo'limiga ajratilgan 35 soat 17 soatga, "Fonetika" bo'limi 46 soatdan 33 soatga, 9-sinfda esa "Ergashgan qo'shma gaplar" mavzusi uchun ajratilgan 16 soat 11 soatga qisqartirildi. Ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktablari uchun esa "Nutq madaniyati" yondosh o'quv dasturi keltirildi.

Sho'ba yig'ilishlarida darsliklardagi o'zgarishlar xususida ham to'xtalib o'tish zarur. Jumladan, 2017-2018-o'quv yili uchun chop etilishi rejalashtirilgan 6-, 7-sinf "Ona tili" darsliklari (mualliflar N.Mahmudov va boshqalar, "Tasvir", "Ma'naviyat" nashriyotlari) kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirilgan o'quv dasturlariga muvofiq qayta ishlandi. Bunda o'quvchilarda kommunikativ, axborot bilan ishlash, o'z-o'zini rivojlantirish hamda milliy va umummadaniy kompetensiyalarni shakllantirish, o'rganilishi rejalashtirilgan lingvistik vositalarni nutqda o'rinni qo'llashga yo'naltiriladigan mashq hamda topshiriqlarga o'zgartirishlar kiritildi.

6-sinf darsligidagi o'zgarishlar 18 foizni tashkil qiladi. Jumladan, darslikka matn yo'nalishidagi quyidagi yangi mavzular – "Matn va mavzu" "Matnning turlari. Hikoya matni", "Tasviriy matn", "Muhokama matni" kiritildi. Darslikdagi 55 ta mashq va topshiriq (11,2 foiz) talablari ham o'zgartirildi. Darslikning 9 ta rasmi 4 xil rangda qayta ishlandi. 7-sinfda esa 51 foiz o'zgarish bo'lib, bunda 4 ta yangi mavzu "Matnda ko'p ma'noli, ma'nodosh so'zlardan foydalanish", "Shakldosh, qarama-qarshi ma'noli so'zlardan foydalanish", "Matndagi asosiy fikrni aniqlash. Matnning o'qish va qayta hikoya qilish", "Tasviriy matnning qayta hikoya qilish" kiritildi. Darslikdagi 140 ta mashq va topshiriq, ularga qo'yilgan talablar o'zgartirildi. 7 ta rasm 4 xil rangda berilib, qayta ishlandi.

"Ona tili" darsliklari bilan ishlashda o'qituvchilarning o'quv dasturi talablarini teran anglashi, dastur materiallari asosida darslarni rejalashtirish, amaliy mashq va topshiriqlar yordamida o'quvchilarda mustaqil va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish, dars jarayonida pedagogik va axborot texnologiyalaridan o'rinni foydalanish mahoratiga ega bo'lish talab etiladi.

O'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish bo'yicha darsning texnologik xaritasini tuzish yuzasidan namunaviy mashg'ulot (7-sinflar uchun)

Mavzu: "Matnda shakldosh, qarama-qarshi ma'noli so'zlardan foydalanish".

Darsning loyihasi:

Ta'limiy maqsad: matndagi shakldosh, qarama-qarshi ma'noli so'zlar

haqidagi axborot bilan ishlash, ularni saralash va samarali foydalanish.

Tarbiyaviy maqsad: muomala madaniyatiga ega bo'lish, milliy urf-odatlariga e'tiqodli bo'lish, o'zaro kamtarlik xislatlarni tarbiyalash.

Rivojlantiruvchi maqsad: kognitivlik ko'nikmalarini oshirib borish, nutqiy kompetensiya(tinglab tushunish, o'qish, so'zlash, yozish)ni rivojlantirish.

Vazifalar: o'quvchilarni mavzuga qiziqitirish, bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish, kengaytirishga erishish. Mavzu yuzasidan o'quvchilarda kompetensiyalarning shakllanganlik holatini tekshirish va ularni baholash.

O'quv jarayonining mazmuni. Matnda shakldosh, qarama-qarshi ma'noli so'zlardan foydalanish, nutqning ta'sirchanligini oshirish, berilgan matndan shakldosh, qarama-qarshi ma'noli so'zlarni aniqlash.

O'quv jarayonini amalga oshirish texnologiyasi

Dars turi: yangi bilim berish.

Dars usuli: induktiv (amaliyotdan nazariyaga qarab borish).

Metod: savol-javob, aqliy hujum.

Vosita: darslik, multimedia vositalari (videoproektor, kompyuter), audio matnlar.

Nazorat turi: saylanma diktant, savol-javob, test.

Baholash: 5 balli tizim asosida.

Dars bosqichlari taqsimoti

Tashkiliy qism: 5 daqiqa.

Uy vazifasining nazorati: 15 daqiqa.

Mavzu ustida ishlash: 10 daqiqa.

Mavzu ustida mustahkamlash: 13 daqiqa.

Uyga vazifa: 2 daqiqa.

O'qituvchi tomonidan kutilayotgan natija: o'quvchilar faolligini oshirish,

mustaqil bilim egallashga yo'naltirish, axborot bilan ishlashga, adabiy til

me'yorlariga amal qilishga o'rgatish, nutqiy va lingvistik kompetensiya elementlarini egallashga erishish, ularning fanga nisbatan qiziqishni kuchaytirish.

O'quvchi tomonidan kutilayotgan natija: mustaqil va ijodiy ishlashga o'rganish, og'zaki va yozma nutqning rivojlanishi, shakldosh va qarama-qarshi ma'noli so'zlarni nutq jarayonida o'rinni qo'llashga erishish. Qisqa vaqt ichida mavzuga oid ko'p ma'lumotga ega bo'lish. Yuqoridagi loyiha asosida o'quvchilarning yangi mavzuni o'zlashtirish bosqichida dars jarayoni quyidagicha olib borilishi mumkin.

Darsning borishi: 1-bosqich. O'quvchilarga audio matn eshittiriladi. Ular tinglagan she'riy matndan shakldosh so'zlarni aniqlaydi.

Namuna:

Idish nuqsonlidir, gar bo'lsa qadoq, Aslo ayb bo'lmas qo'ldagi qadoq. Ilmga bag'ishlab o'tkaz har onni, Aqling botmon bo'lsin, vazning bir qadoq.

(A.Shukurov)

2-bosqich: lug'at bilan ishlash.

Namuna:

Qadoq (ot) – idishning qadoqlangan, yamalgan joyi.

Qadoq (ot) – terida ishqalanish natijasida paydo bo'lgan qabariq.

Qadoq (ot) – 400 grammcha keladigan og'irlik o'lchovi.

Yuqoridagi mashqlar orqali o'quvchilarda nutqiy kompetensiya shakllantiriladi.

3-bosqich. Darsni mustahkamlash. Test ustida ishlangan jarayonida o'quvchilarning lingvistik vositalarni egallaganlik darajasini tekshiriladi.

A. Yoshliging g'animat, bolam, o'sib, un, Chiqarga behuda sado hamda un.

B. Do'st achitib gapiradi – dushman kuldirib.

D. Yomonni tanqid qil, yaxshiga taqlid qil!

1	Qaysi gapda shakldosh so'zlar qo'llangan?	A
2	Ot so'z turkumiga mansub qarama-qarshi ma'noli so'zlar qo'llangan gapni belgilang.	B
3	Qaysi gapda sifat so'z turkumiga oid qarama-qarshi ma'noli so'zlar berilgan?	D
4	Fe'l so'z turkumiga oid qarama-qarshi ma'noli so'zlar qo'llangan gap qaysi qatorda berilgan?	B
5	Undalma qo'llangan gapni aniqlang.	A

Uyga vazifa berish. Adabiyot darsida o'rganilgan badiiy asardan parcha yozish va undan shakldosh so'zlarni topish.

Ta'lim muassasalarida erishilgan yutuqlarni mustahkamlash hamda yo'l qo'yilgan kamchiliklarning oldini olish maqsadida yangi o'quv yilida ta'lim sifatini oshirish yuzasidan quyidagi vazifalarni belgilash maqsadga muvofiq:

1. An'anaviy avgust kengashlari yalpi va sho'ba yig'ilishlaridan kutilayotgan asosiy maqsad – o'qitish mazmunini takomillashtirish. Xalq ta'limi vazirligi tomonidan chiqarilgan qaror va buyruqlar ijrosini ta'minlashga yo'naltirilgan vazifalarni belgilab olish.

2. O'qitishning zamonaviy usullari va ilg'or pedagogik texnologiyalarni o'quv-tarbiya jarayoniga joriy etish orqali ta'lim sifatini oshirish, samarali tajribalarni ommalashtirish.

3. Masofaviy metodik xizmat ko'rsatish bo'yicha taqdim etilgan materiallardan unimli foydalanish.

4. Pedagoglarning malakasi va kasbiy mahoratini oshirish, umumta'lim fanlarining maktablarda sifatli o'qitilishini ta'minlash maqsadida "Mahorat maktablari" faoliyatini takomillashtirish, oliy ta'lim muassasalarini, malaka oshirish institutlari professor-o'qituvchilari bilan hamkorlikda ishlarni tubdan qayta tashkil etish.

5. O'quv muassasalarida mavjud bo'lgan axborot-kommunikatsiya vositalaridan samarali foydalanish, barcha pedagog xodimlarning internet tarmog'idan, mediaresurslardan keng va unimli foydalangan holda, bilim va malakalarini oshirishlari uchun sharoit yaratish.

6. Umumta'lim maktablarida o'tkazilgan ta'lim sifati monitoringi natijasida o'quvchilar bilimida aniqlangan bo'shiqlar ustida ishlash metodikasini o'rgatishga doir mavzular kiritish va ularni o'qitishni tashkil etish.

Avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlari amaliyotchi va metodistlar uchun asosiy metodik yordam va yo'llanma berishni hisobga olib, yig'ilishlarning noan'anaviy usullarda qiziqarli va mazmunli tarzda o'tkazilishi maqsadga muvofiq.

2017-yil 8-iyul, № 54 (9015)

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

Adabiyot

Adabiyot fani bo'yicha an'anaviy avgust kengashlarida pedagoglarning kasb mahorati va madaniyatini oshirishga, bugungi islohotlarning ta'lim tizimi rivojidadagi ahamiyatiga e'tibor qaratiladi.

Jumladan, Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-sonli, 15-martdagi "Umumiy o'rta ta'lim to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 140-sonli qarorlarining qabul qilinishi pedagoglar zimmasiga yanada mas'uliyat yukladi. Shundan kelib chiqqan holda, avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarida takomillashtirilgan DTS va nizomning mazmun-mohiyati, o'quv dasturida adabiyot faniga ham bir qator o'zgarishlar kiritilgani tushuntiriladi. Ya'ni o'lita tayanch (kommunikativ, axborot bilan ishlash, o'zini o'zi rivojlantirish, ijtimoiy faol fuqarolik, milliy va umummadaniy, matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish hamda foydalanish) kompetensiyalari va adabiyot faniga oid adabiyot-nutqiy kompetensiyalar (*tinglab tushunish, fikrni og'zaki bayon qilish, o'qish, fikrni yozma bayon qilish*), badiiy asarni tahlil qilish kompetensiyasi bo'yicha bitiruvchilarga qo'yiladigan malaka talablarini batafsil tushuntirish, muhokama qilish o'qituvchilar yangi o'quv yilida faoliyatini samarali tashkil etishda muhim omil bo'ladi.

Adabiyot o'quv dasturlaridagi (boshlang'ich, 5-9-sinflar, o'rta maxsus ta'lim bosqichi) adabiy mavzular tahlil qilinib, takrorlar, murakkabliklar bartaraf etilgani ham ta'kidlab o'tiladi. Misol uchun, ba'zi adiblarning bir nechta sinflarda berilgan bir-biriga yaqin asarlari asosidagi mavzular o'quvchilarning psixofiziologik xususiyatlarini hisobga olgan holda bitta sinfga jamlandi, ayrim yozuvchi va shoirarning hayoti va ijodi bir bosqichda: umumta'lim yoki o'rta maxsus ta'lim bosqichida o'rganilishi maqsadga muvofiq deb topildi. Bu o'quv dasturlarida ham o'z aksini topdi.

Har bir sinf o'quvchilarida shakllantirilishi lozim bo'lgan shu sinfga xos tayanch kompetensiyasi elementlari berildi. O'rganiladigan (rukn) mavzular nomi va ularga ajratilgan soatlar ko'rsatilib, shu bo'yicha mavzular (rukn) mazmuni va fanga oid kompetensiyasi elementlari ochib berildi. A2 (9-sinf) bosqich yakunida o'quvchilarda shakllangan tayanch va fanga oid kompetensiyasi elementlari keltirildi.

Adabiyot o'quv dasturida quyidagi o'zgarishlar amalga oshirildi:

5-sinfda jami 20 soatlik 12 ta mavzu o'zgardi. Ya'ni, Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy to'plagan hadislar, Jonatan Swiftning "Gulliverning sayohatlari" asari, Muqimiyning "Sayohatnoma" asari, Usmon Nosirning "Yur, tog'larga chiqaylik", "Yo'ichi", "Bolaligimga", "Yoshlik", "Yurganmisiz birga oy bilan", "Gulzor - chaman..." she'rlari, A.Sent-Ekzyuperining "Kichkina shahzoda" qissasi, Asqad Muxtorning "Hafta", "Po'latjon yuz top ko'chat ekmoqchi" she'rlari, Mirtemirning "Bulut", "Shudring", "To'rg'ay", "Baliq ovi", "Qishlog'im" she'rlari dasturdan chiqarilib, o'rninga Shukrullonning "Umr haqida ertak", Daniel Defoning "Robinson Kruzo" asari, aka-uka Grimmlarning "Botir tikuvchi" ertagi, Herman Hesse ning "Oy shu'lasi (Bo'ri)" hikoyasi, Anvar Obidjonning "Hayotning har lahza go'zal", "Vatanjon", "Tinch kun", "Yer" she'rlari kiritildi. Bo'sh qolgan soatlar hisobidan Navoiy ijodini o'rganishga 1 soat va Bobur ijodini o'rganishga 2 soat qo'shib berildi.

6-sinfda jami 7 soatlik 3 ta mavzu o'zgardi. Bular Pirmuqol Qodirovning "Nizomning tantiligi" ("Avlodlar dovoni"

romanidan), Hamid Olimjonning "O'zbekiston" she'ri, Zulfiyaning "Nevara", "Men o'tgan umrga" she'rlari dasturdan chiqarilib, o'rninga Pirmuqol Qodirovning "Yulduzli tunlar" asari, Zulfiyaning "Baxtim bor, ajoyib kishilar aro...", "Bog'lar qiyg'os gulda", "Bahor keldi seni so'roqlab", "O'g'lim, sira bo'lmaydi urush" she'rlari kiritildi.

7-sinfda jami 4 soatlik 2 ta mavzu o'zgartirildi. Turdi she'rlari dasturdan chiqarilib, ajratilgan 2 soatning 1 soati Mirmuhsinning "Me'mor" va Chingiz Aytmatovning "Oq kema" asarini o'rganishga qo'shib berildi, Maxtumqulining "Namasan" she'ri o'rninga "Aytshuv" she'ri kiritildi.

8-sinfda jami 14 soatlik 4 ta mavzu almashdi. Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asari, Abdurauf Fitratning "Mirrix yulduziga", "O'git", "Go'zalim bevafo gulistonim" she'rlari, Maqsum Shayx-zodaning "Mirzo Ulug'bek" tragediyasi, Robindranat Thakurning "Nur va soylar" hikoyasi dasturdan chiqarilib, o'rninga Shukur Xolmirzayevning "Ot egasi", "Omon ovchining o'limi", "Xumor" hikoyalari, Shavkat Rahmonning "Tungi manzara", "Tong ochar ko'zlarin...", "Oy sinigi", "Anorga qasida", "Muhabbot", "Jangda o'lgan emas biror bahodir", "Qodiriy va yoshlar", "Baxt so'zi" she'rlari, Maqsum Shayx-zodaning "Jaloliddin Manguberdi" dramasi, Robindranat Thakurning "Suba" hikoyasi, G'afur G'ulomning "Bilib qo'yki, seni Vatan kutadi" she'ri, Sergey Yeseninning "It haqida qasida"si yangidan kiritildi.

9-sinfda jami 29 soatlik 7 ta mavzu o'zgartirilib, unga ko'ra, Nosiriddin Rabg'uziyning "Qisasi Rabg'uziy" asari, Boborahim Mashrab g'azallari, Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romani, Cho'iponning "Kecha va kunduz" asari, Oybekning "Otlug' qon" romani, Vilyam Shekspirning "Otello" fojiasi, Henrix Heyne she'rlari o'quv dasturidan chiqarilib, o'rninga Imom Buxoriy to'plagan hadislar, Izzat Sultonning "Imon" dramasi, Rauf Parfi she'riyati, Oybek lirikasi, Vilyam Shekspirning "Gamlet" fojiasi, O'ljas Sulaymonovning "Arg'umoq", "Maxambetga" she'rlari va "Qoyilimasin insonga zamin" dostonidan parcha yangidan kiritildi. Bo'sh qolgan soatlar "Alpomish" dostoni va Mustaqillik davri adabiyotini o'rganishga qo'shib berildi.

2017-yilda qayta nashr etilib, yangi o'quv yilidan pedagogik amaliyotga joriy etiladigan 6-sinf "Adabiyot" (mualliflar S.Ahmedov, R.Qo'chqorov, Sh.Rizayev, "O'zbekiston" nashriyoti. 2017), 7-sinf "Adabiyot" (mualliflar: Q.Yo'ldoshev, B.Qosimov, V.Qodirov, J.Yo'ldoshebekov, "Sharq" 2017) darsliklari amaliyotchi o'qituvchilar, ekspertlar guruhi, metodist olimlar va boshqa mutaxassislar tomonidan o'rganildi. Ularning taqizlari, taklif-mulohazalari mualliflar bilan nashriyot hamkorligida mazmun va dizayn jihatdan takomillashtirilib, chop etildi. Sho'ba yig'ilishlarida mazkur o'zgarishlar amaliyotchilarga yetkazilishi va muhokama uyushtirilishi maqsadga muvofiq.

6-sinf darsligida o'zgarishlar va yangi mavzular bo'yicha badiiy matnlar kiritilib, ular asosida tayanch va fanga oid kompetensiyasi elementlarini shakllantirishga yo'naltirilgan savol va topshiriqlar ham tuzildi. Darslik ilk bor to'rt xil rangda chop etildi. Shu munosabat bilan undagi jami 135 ta rasm va illyustratsiya qayta ishlandi. Darslikning dizayni o'zgardi.

7-sinf darsligiga ham o'zgarishlar asosida badiiy matnlar kiritilib, tayanch va fanga oid kompetensiyasi elementlarini shakllantirishga yo'naltirilgan savol va topshiriqlar shunga monand yangilandi.

Bu darslik ham birinchi bor to'rt xil rangda chop etilishi munosabati bilan 105 ta rasm va illyustratsiya qayta ishlandi. Dizayni to'liq o'zgardi.

Har ikkala darslikdagi badiiy asarlarni o'rganish jarayonida o'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish bosh maqsad bo'lmog'i zarur.

Shuning uchun mazkur darslik bilan ishlashda o'qituvchilar o'quv dasturi talablarini teran anglashi, mavzular mazmun-mohiyatiga ko'ra mashg'ulotlarni rejalashtirish, o'rganishga berilgan asarlar yuzasidan o'quvchini o'qishga, mustaqil mutolaaga qiziqitirish, matn ustida ishlagan o'rgatish, o'quv filmlari, videodarslar, shoir va yozuvchilar hayoti, ijodi, asarlari asosida yaratilgan audio, video materiallar, multimedia vositalaridan, ilg'or pedagogik texnologiyalardan o'rinni foydalanish mahoratiga ega bo'lishlari talab etiladi.

Respublikamiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 12-yanvardagi "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida"gi farmoyishiga ko'ra, bolalarni kitob mutolaasiga qiziqitirish zarur. Bunda darslarni interfaol tarzda tashkil etish muhim hisoblanadi. Jumladan, kitob o'qish yoki she'r yodlashni musobaqa tarzida tashkil etish yaxshi samara beradi. "Kim ko'p badiiy asar o'qigan?", "Kim ko'p she'rni ifodalay yoddan aytadi?", "Kim ko'p dostonidan parcha yod olgan?", "Kim ko'p g'azalni yod biladi?", "Kimning shaxsiy ijodiy ishlari chop etilgan?" mavzularida sinfda qatorlararo, maktabda sinflararo musobaqalar tashkil etilsa, o'quvchilar, albatta, o'z iqtidorini namoyish etishga harakat qiladi. Yakunda o'quvchilar rag'batlantirib borilsa, yanada ruhanadi.

O'quvchilarni fanga, badiiy asar mutolaasiga qiziqitirishda, mashg'ulotlarni tashkil etishda har bir muallim o'z tajribasidan kelib chiqib, quyidagi jihatlarga asoslansa, kutilgan natijaga erishish osonlashadi:

— Adabiyot darslarida nasriy, nazmiy va dramatik matnlarni *ifodali o'qishga katta e'tibor qaratish* lozim. O'qituvchining matnini bolalarning qalbini jizillatib yuboradigan darajada his qildirib (ovozni balandlatish, pasaytirish, to'xtash o'rinarini belgilash, vazni, ritmi, diktsiyasini to'g'rilash, obrazga kirish), ularni hayratga sola oladigan tarzda ifodali, ta'sirchan o'qishi, o'quvchi hissiyoti, tuyg'ularini qo'zg'ata olishi, atoqli san'atkorlar ijrosida o'qilgan, ertak qahramonlari ovozi yozilgan matnlarni magnit lentasidan eshitirishi va shunday o'qishga bolalarni o'rgatishi nafaqat fanga qiziqishni orttiradi, balki bola qalbiga ruhiy orom beradi, estetik didini o'stiradi, she'riyatga, kitob mutolaasiga mehr uyg'otadi;

— dars mashg'ulotlarini rang-barang, an'anaviy va non'anaviy tarzda tashkil etish (pedagogik va axborot texnologiyalari, media darslar, muzey darslari, ijodkorlarning uy-muzeylarida mashg'ulot);

— o'quvchilarni dars jarayonining faol ishtirokchilariga aylantira olish. Bolalarga mustaqil fikr bildirish, rad etish, isbot qilish, o'z fikrini himoya qilish imkonini yaratish;

— mustaqil hamda sinfdan tashqari o'rganishga berilgan asarlarni o'qish, chugur tahlil hamda muhokama qilish, ular yuzasidan bahs-munozara, debatlar uyushtirish;

— bolalar yosh xususiyatiga, ruhiyatiga, tabiatiga yaqin asarlardan namunalarini, eng qiziq, dramatik boy

bo'limlaridan parchalargi o'qib berish yoki shunday qiziqarli joyida to'xtatib, uni o'qishga tavsiya etish;

— sinfdan tashqari tadbirlarda o'rganilgan asarlardan parchalarni sahnalashtirish, rollarga bo'lib o'qish, she'rxonlik, g'azalxonlik, ruboiyxonlik kabi adabiy kecha va musobaqalar, uchrashuvlar tashkil etish (tadbirlarga yozuvchi-shoirilar, mualliflar, sahna ustalari, ota-onalar va mehnat faxriylarini taklif etish);

— o'quvchilarning ijodiy qobiliyatini rivojlantirish maqsadida hikoyani davom ettirishga, asarni bo'limlarga bo'lib, sarlavha topishga, kichik badiiy matn, ertak, she'r, ocherk yozishga o'rgatish va dastlabki ijod namunalari kichik kitobcha shakliga keltirib, bezatish. «Birinchi kitobcham» sarlavhali mazkur ijod mahsulotini ko'rib chiqib, eng yaxshilarini taqdirlash.

Badiiy asar o'qish, she'r, g'azal yodlash kabi o'quvchilarga topshiriqlar beruvchi o'qituvchining o'zi tomonidan bu asarlar o'qilgan, namuna ko'rsatib aytadigan darajada qiyomiga yetkazib yod olingan bo'lishi kerak. Agar shunday bo'lmasa, buni o'quvchilar sezgirlik bilan fahmlab oladi. Bu esa o'qituvchi obro'siga va o'quvchilarning fanga, kitob mutolaasiga bo'lgan qiziqishlariga putur yetkazadi.

Bolalar mutolaasi va oilaviy kitobxonlikni yo'lga qo'yishda adabiyot o'qituvchilari ota-onalar bilan hamkorlikda ishlashi talab etiladi. Oilada qaysi yoshdan va qanday kitob o'qish, muhokama o'tkazish, natijani kuzatish kabi masalalarda hamkorlikda ishlaydigan yaxshi natija beradi. Bugungi kunda ham kitobxonlik kechalari o'tkazayotgan oilalar, farzandini yoniga olib unga kitob o'qib beradigan, farzand tarbiyasida kitobning ahamiyati benihoya katta ekanini yaxshi tushunadigan ota-onalar ko'p. Ularni barchaga namuna qilib ko'rsatish kerak.

Ta'lim muassasalarida sinfdan tashqari o'qish yaxshi yo'lga qo'yilsa, maktabda o'quv-tarbiya ishlari muvaffaqiyatli boradi. Sho'ba yig'ilishlarida o'quvchilarni kitob mutolaasiga qiziqitirish masalasi muhokama etilishi shu yo'nalishdagi muammolarning yechimini topishga yordam beradi.

Avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarida muhokama qilish va tajriba almashish uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

1. "Mustaqillik darslari"da O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning Vatanimiz taraqqiyotini yuksaltirishga qo'shgan hissasini xotirlashda media vositalardan foydalanish.

2. Adabiyot fanidan yangi tasdiqlangan davlat ta'lim standartining mazmun-mohiyati, bitiruvchilarga qo'yilgan malaka talablari.

3. O'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish — samaradorlik omili.

4. Adabiyot o'quv dasturining o'ziga xos xususiyatlarini va undagi o'zgarishlar.

5. 6-7-sinf "Adabiyot" darsliklarining yangi nashri va undagi yangilanishlar.

6. O'quvchining mustaqil mutolaasida maktab kutubxonasi va kutubxonachining o'rni.

7. O'quvchini kitob mutolaasiga qiziqitirishda o'qituvchi va oila hamkorligi.

8. O'quvchini badiiy adabiyotga qiziqitirishda fan to'garaklarining o'rni.

9. Adabiyot fanini o'qitishdagi ilg'or tajribalarni ommalashtirish va kelgusidagi vazifalar.

10. Fan oylilari — mahorat maktabi.

11. Zamonaviy dars o'tishda o'qituvchiga qo'yiladigan talablar.

Berilgan mavzular yuzasidan bahs-munozaralar, mavzu himoyasi hamda davra suhbatlari tashkil etilishi mumkin.

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va galpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

O'zbek tili

Bugungi kun o'quvchilariga zamonaviy ta'lim-tarbiya berish o'qituvchilardan yuksak kasbiy salohiyat, fidoyilik talab etadi. Jumladan, o'zbek tili fanini o'qitishda ham yosh avlodga ona tilimizning bor go'zalligini tushuntirib berish lozim. Bunda zamonaviy darsliklar, etimologik va qiyosiy lug'atlar yaratish, bugungi tez o'zgarayotgan, globallashuv davrida o'zbek tili va adabiyotining o'ziga xos, betakror xususiyatlari, jozibasini, tarixiy taraqqiyot bosqichlari va uning bugungi holati, istiqbol bilan bog'liq masalalarni chuqur o'rganish kerak.

Aytish joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 12-yanvardagi "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida"gi farmoyishi o'zbek tili fani o'qituvchilari uchun dasturiy talab bo'lib xizmat qilmoqda. Qardosh tillar (qozoq, qirg'iz, qoraqalpoq, turkman, tojik) va boshqa millat farzandlarining til o'rganishida kitob mutolaasini asosiy omil deb belgilab olish zarur. Shuni hisobga olgan holda, ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktab o'quvchilarining o'zbek tilini mukammal egallashlari, so'z boyligini oshirish, o'zbek milliy qadriyat va an'analari bilan tanishtirish, kitob o'qish ko'nikmalarini rivojlantirish maqsadida kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan o'quv dasturida ifodali o'qish uchun soatlar ajratildi. Foydalanish uchun o'zbek va jahon adabiyotining eng sara asarlaridan namunalari berildi.

O'quvchi-yoshlarda kitobga mehr uyg'otish, kitobning shaxs shakllanishidagi, til o'rganishida, intellektual rivojlanishidagi ahamiyatini tushuntirish, kitob o'qish madaniyatini yanada yuksaltirishda fan o'qituvchilariga quyidagi tavsiyalar berildi:

— sinflar kesimida o'quvchi-yoshlar orasida kitob o'qishga qiziqish muhitini yaratish;

— boshqa millat vakillarini o'zbek adabiyotining sara namunalarini bilan tanishtirish orqali oilada, mahalla va jamoatchilik orasida kitob o'qishni umuminsoniy va milliy qadriyat sifatida shakllantirish, an'analarga hurmat tuyg'ularini rivojlantirish;

— o'quvchi-yoshlarning mutolaaga intilishini doimiy qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirib borish.

Avgust kengashlarida o'qituvchilarni DTSga kiritilgan yangiliklardan xabardor etish maqsadga muvofiq.

Yangi DTSning A1 darajasi umumiy o'rta ta'limning boshlang'ich — 2-4-sinflari, A2 darajasi — 5-9-sinflar uchun me'yor hisoblanadi. O'zbek tili fani ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan umumta'lim maktablarida ikkinchi til sifatida o'qitiladi. Shu sababli asosiy maqsad 2-4-sinflarda o'quvchilarning lug'at boyligi ustida ishlash, o'zbek tilini amaliy egallash ko'nikmalarini hosil qilishdan iborat. Nutqiy mavzular bo'yicha lug'at, nutq namunalarini, tinglab tushunish va so'zlash, o'qish va yozish amallari ustida ishlash ko'zda tutilgan. 5-9-sinflarda esa o'zbek tili yuzasidan nazariy bilimlarni berish, o'quvchilarga so'z tarkibi va yasaliishi, so'z turlari va ularning o'zgarishi, so'zlarning o'zaro bog'lanishi, so'z birligini hamda gap tuzish qonuniyatlarini o'rgatishga e'tibor qaratilgan.

O'quvchilarda o'zini o'zi rivojlantirish va ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyalarini shakllantirishda muomala odobi va adabiy o'qish bo'yicha beriladigan materiallarning o'rni nihoyatda muhim. Shunga ko'ra, 5-sinfda adabiy o'qish uchun ertak, she'r, topshimoq, tez aytishlar kiritilgan bo'lsa, 6-7-sinflarda hikoya, rivoyat va she'riy asarlar, o'zbek bolalar adabiyoti namunalarini, 8-9-

sinflarda esa o'zbek yozuvchilarining asarlaridan parchalar ustida ishlash rejalashtirilgan.

O'quv dasturida har bir sinfga xos tayanch kompetensiyalar o'quvchining yoshi, psixofiziologik xususiyatidan kelib chiqib taqsimlangan. Fanga oid kompetensiyalar sinflar kesimida ochib berilgan. Kompetensiyning shakllanganlik darajasini aniqlash maqsadida nazorat ishi (1 soat), nazorat ishi natijasida aniqlangan bo'shliqlarni to'ldirish va o'quvchilar bilimini mustahkamlash uchun o'tkaziladigan xatolar ustida ishlashga (1 soat) ajratilgan soatlar hajmi ko'rsatiladi.

Har bir sinfning yakunida o'rganilgan mavzular, nazorat ishlari, xatolar ustida ishlash, takrorlash uchun ajratilgan umumiy soatlar hajmi berildi.

O'quv dasturida A1, A1+ (4-sinf bitiruvchilari) va A2, A2+ daraja (9-sinf bitiruvchilari) yakunida o'quvchilarda shakllanishi zarur bo'lgan tayanch va fanga oid kompetensiyalar berildi.

O'zbek tili fanidan amaldagi o'quv dasturi hamda o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan asosida ishlab chiqilgan o'quv dasturining qiyosiy tahliliga ko'ra, 2-sinfda uchta — "O'zbekiston", "O'yinchoqlar", "Qiziqarli harakatli o'yinlar" mavzulari o'quv dasturidan chiqarildi. Oltita — "Maktabim", "Onajonlar bayrami", "Assalom, Navro'z!", "Mevalar", "Sabzavotlar", "Uy hayvonlari" mavzulari 3-sinfga, "Ko'chamiz va uyimiz" mavzusi 4-sinfga ko'chirildi. Uchta yangi — "O'quv qurollari", "Hafta kunlari", "Idishlar" mavzulari kiritildi.

3-sinfdan uchta mavzu o'quv dasturidan chiqarildi. "Bahorgi ishlar", "Ona shahrim", "Yo'l harakati" mavzulari 4-sinfga ko'chirildi. "8-mart bayrami" va "Assalom, Navro'z!" mavzulari umumlashtirilib, "Bayramlar" deb berildi.

4-sinfda ikkita — "Salom, yangi yil", "Qish o'yinlari" mavzusi o'quv dasturidan chiqarildi. "Bizning sinfimiz", "Qushlar va hashoratlar" mavzulari 3-sinfga, "Xotin-qizlar bayrami", "Oila a'zolarining bir kuni" 5-sinfga, "Kasblar" mavzusi 6-sinfga ko'chirildi.

5-sinfda "Mening do'stim", "Mening darsxonam", "Uy jihazlari", "Odobli bo'", "Transportda", "Ta'til rejasi" mavzulari o'quv dasturidan chiqarildi. "Kun tartibim" (4-sinfga), "Mashhur kishilar" mavzulari (6-sinfga) ko'chirildi. O'quv dasturiga yangi "Kim bo'lsam ekan?" mavzusi kiritildi.

6-sinf o'quv dasturidan "Oromgohda", "Sinf rahbari", "Men sevgan ko'rsatuv", "Kuzgi ne'matlar", "Yangi yil rejasi", "O'quvchining kun tartibi" mavzulari chiqarildi. "Qadimiy va navqiron shaharlar" mavzusi 5-sinfga, "Sport — salomatlik garovi", "Salomatlik — tuman boylik" mavzulari 7-sinfga, "Buyuk allomalarimiz" mavzusi 8-sinfga ko'chirildi. "Tabiatni asrang", "Qish manzarasi" mavzulari o'quv dasturiga kiritildi.

7-sinf o'quv dasturidan "Do'star davrasida", "Toshkentning yangi inshootlari", "Tabiatni asrang", "Donolar bisotidan", "Shahrimiz obod bo'lsin" mavzulari chiqarildi. "Mo'jizalar olamida", "Milliy hunarmandchilik", "Bug'doy rizqu-ro'zimiz", "Mardlik — mangulik" mavzulari 8-sinfga, "Kuch bilimda" mavzusi 9-sinfga ko'chirildi. O'quv dasturiga "O'zbekiston tog'lari", "Vatan sarhadlari", "Adabiyot muzeyida", "O'zbekistonning suv havzalari" mavzulari kiritildi.

8-sinf o'quv dasturidan "Til — millat ko'zgusi", "Tabiat va biz", "Bizning burchimiz", "Ma'naviyatimiz durdonalari", "O'lkamizda Navro'zi olam" mavzulari

chiqarildi. "Mehnat baxt keltirar", "Ayol — oila ko'rki", "O'zbekiston sporti", "Axborot-resurs markazida", "O'zbekiston transporti", "San'at olamida" mavzulari 9-sinfga ko'chirildi, "Hosil bayrami", "O'zbek yozuvchilari" mavzulari 9-sinfdan olindi.

9-sinf o'quv dasturidan "O'zbekiston sanoati yuksalishda", "Barkamollik", "Abu Ali ibn Sino", "Allomalarimiz hayotidan", "O'zbekiston tabiati", "Musiqi olamida", "Sog'lom bo'lay desang" mavzulari chiqarildi. Yangi "O'zbek tilshunoslari" mavzusi kiritildi. "Insondan xotira qoladi" mavzusi "Yaxshilik unutilmaydi" mavzusiga singdirildi.

Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli qaroriga muvofiq 2017-2018-o'quv yilida 4-, 6-, 7-sinf o'zbek tili darsliklari takomillashtirilib, qator o'zgartirishlar kiritildi. Darslikdagi 24 nutqiy mavzu takomillashtirilib, o'quv dasturi asosida 18 taga keltirildi. Ekspert guruhi, amaliyotchi o'qituvchilar, mutaxassis olimlarning taklif va mulohazalari asosida mualliflar bilan nashriyot muharrirlari hamkorligida qayta ishlab, mazmunan va dizayn jihatdan takomillashtirildi. Grammatik qoidalar, darslikdagi mashq va topshiriqlar, suhbatlar va adabiy o'qish uchun tavsiya etilgan materiallar qayta ishlandi, darslikning illyustratsiyasi yangilandi.

4-sinfdagi avval ikki soat belgilangan 9 ta mavzuga ("Vatan", "Qadrdon maktabim", "Bog'da", "Kuzgi ishlar", "Bozorda", "Do'konda", "Kitob", "Yil fasllari va ob-havo", "Bahor keldi", "Assalom, Navro'z!") qo'shimcha bir soatdan ajratildi. Har bir soatga "Uyga vazifa", "Mustaqil ish" ruknlari berildi. Darslik to'rt xil rangda ishlandi. Qoida, lug'at, mashq ichida berilgan dialoglar rangli ramkalariga olindi.

6-sinf darsligining avvalgi variantida har biri ikki soatlik 14 ta mavzuga ("Obod o'lkam", "Bilim — xazina", "Muzeyda", "Kutubxonada", "Tabiat va iqlim", "Chimyon tog'larida", "Ona yurt posbonlari", "Bahorgi ishlar", "Milliy taomlar", "Navro'z udumlari", "Dam olish rejasi", "Ona shahrim", "Buyuk astronom", "Bobom xotiralari") qo'shimcha bir soatdan ajratildi. Grammatik mavzular o'zgartirish sababli darslik materiallarini qayta ishlash jarayonida 137 ta mashqdan 57 tasi, 103 ta topshiriqdan 18 tasi yangilandi. Amaldagi darslikda berilgan jami 75 ta rasmdan 38 tasi yangi ko'rinishga ega bo'ldi. Nutqiy mavzular rasmlari rangli berildi. Dialoglarning dizayni o'zgartirildi.

7-sinf darsligidagi 14 ta ikki soatlik mavzuga ("Poytaxtim — faxrim", "Ustozlar", "Insoniy fazilatlar", "Til bilgan — el biladi", "Shifobaxsh o'simliklar", "Mahallam", "Sport — salomatlik garovi", "Vatanga sadoqat", "Alisher Navoiy", "Ona — ulug' zot", "Milliy urf-odatlarimiz", "Suv — hayot manbayi", "Amir Temur", "Mening orzularim") qo'shimcha bir soatdan ajratildi. Darslik materiallarini qayta ishlash jarayonida 135 ta mashqdan 76 tasi, 111 ta topshiriqdan 31 tasi, 53 ta rasmdan 31 tasi yangilandi. Mashq va topshiriqlarning sharti mazmunan soddalashtirildi, lug'atdagi takrorlar bartaraf etildi, suhbat namunalarini takomillashtirildi, imloviy, uslubiy va texnik kamchiliklar bartaraf etildi. Darslikni yangi o'quv dasturlari asosida takomillashtirish jarayonida adabiy matnlar, she'rilar yangilandi, ular yuzasidan suhbat matnlari, o'quvchining mustaqil fikrlashga yo'naltirilgan mantiqiy savol va topshiriqlar berildi.

Sho'ba yig'ilishlarida mazkur o'zgarishlar amaliyotchilarga yetkazilishi va muhokama uyushtirilishi lozim.

Darsliklar bilan ishlashda, avvalo, o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan DTS va o'quv dasturida belgilangan talablarni jiddiy o'rganib chiqish, nutqiy mavzular va grammatik bilimlarning mazmun-mohiyati orqali darslarni rejalashtirish, suhbat namunalarini bo'yicha o'quvchini o'zaro muloqotga yo'llash, matn ustida ishlashda mantiqiy savol va topshiriqlarni o'rtaga tashlash, lug'at bilan ishlashga o'rgatish kerak. Dars va darsdan tashqari mashg'ulotlarda slaydlar, videolavhalar, multimedia, elektron darsliklar va qo'llanmalardan foydalanishni yo'lga qo'yish ham o'ta muhim.

O'qituvchilar "Kuzgi ishlar" (4-sinf), "Mashhur kishilar", "Shahar bo'yab sayohat" (5-sinf), "O'zbekistonning tarixiy shaharlari" (6-sinf) mavzusidagi videodarslardan, 2-, 3-, 4-sinflar uchun yaratilgan multimedia vositalaridan unumli foydalanishi mumkin.

Ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 4-sinflariga o'qituvchilar uchun "O'zbek tili" (H.Bakiyeva va b.) metodik qo'llanmasi multimedia vositasi bilan chop etildi. Metodik qo'llanma qayta ishlab, takomillashtirilgan 4-sinf "O'zbek tili" (A.Rafiyev, G.Muhammadjonova) darsligi asosida ishlab chiqilgan. Unda o'zbek tilini o'qitishda ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanishning maqsad va vazifalari, o'quv dasturida belgilangan nutqiy mavzular bo'yicha namunaviy dars ishlanmalari joy olgan. Metodik qo'llanmada tavsiya etilgan animatsiyalar orqali o'quvchilarga havola qilinayotgan turli mavzudagi tasvirlar matnda o'qitiladigan so'z va gaplarni talaffuz qilish, gap ichida qo'llash mumkin bo'lmagan so'zlarni rasm orqali nutqiga kiritish imkonini beradi. Ko'rilgan diafilmlar, tinglangan hikoya va ertaklar, kuzatilgan rasmlar o'quvchilarda so'zlovchi nutqini diqqat bilan tinglash va fikrni nima haqida ekanligini tushunish ko'nikmasini o'stirishga yordam beradi. Qo'llanmada foydalanilgan "Interaktiv mashq", "Test" kabi ta'limiy o'yinlar, nutqiy mavzular asosida videorolik, boshqotirmalarning berilishi o'quvchilarning o'zbek tilini o'rganishga bo'lgan qiziqishini o'stiradi.

Avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarida muhokama qilish va tajriba almashish hamda kelgusidagi vazifalarni belgilab olish uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

1. Kompetensiyaviy yondashuvga yo'naltirilgan DTS va o'quv dasturlarining mazmun-mohiyati.
 2. Tayanch va fanga oid kompetensiyalarning dars ishlanmasiga singdirilishi yuzasidan muhokama.
 3. "Mustaqillik darslari"ni tashkil etishda o'qituvchining mahorati.
 4. O'quvchilarda kitobxonlik madaniyatini shakllantirish — davr talabi.
 5. Boshlang'ich sinflarda ertaklar orqali o'quvchilarni kitob o'qishga qiziqitirish yo'llari.
 6. O'quvchilarda tayanch kompetensiyalarni shakllantirish yo'llari.
 7. Fikrni yozma bayon qilish orqali savodxonlikka erishish.
 8. Takomillashtirilgan darsliklarning o'ziga xos jihatlari.
 9. Matn bilan ishlashda axborot texnologiyalarining o'rni.
- O'zbek tili fani o'qituvchilari zimmasiga ertangi kunimizning tayanchi va suyanchi bo'lmish yosh avlodni yangicha, mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini puxta egallagan, Vatanimiz taqdiri va kelajagi yo'lida mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir insonlar etib tarbiyalashdek mas'uliyatli vazifa yuklangan. Anjumanlarda shu mas'uliyat sezilib turishi lozim.

Кўплаб муаммоларга ечим топилди

Инди буни амалга татбиқ этиш лозим

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Форум доирасида эришилган ютуқлар, кенг кўламли ислохотларнинг туб моҳияти таҳлил этилиб, муаммоларга ечим изланаётгани келгусида таълим тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди, — дейди Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Собитхон Турғунов. — Бугунги кун барчамиздан янгича ишлаш, кенг фикрлашни тақозо этмоқда. Боланинг асосий фазилатлари шаклландиغان мактаб ёшида бакуват, биллимон, хушфёл ва меҳнатсевар бўлиб улғайишида амалий фан ўқитувчилари тажриба ва маҳоратини юксалтириш муҳим. Ҳар уч йилда малака оширишга келган ўқитувчи ўзига аввалдан таниш бўлган тажриба ва кўникмаларни эмас, замонавий талабларга мос тарзда янгича методларни мунтазам ўзлаштиришга эришиш муҳим вазифаларимиздан. Вақти-вақти билан малака ошириш тизимидаги тренер ўқитувчиларни ҳам қайта тайёрлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги маълумотларга эга бўлишни таъминлаш керак.

Умумтаълим мактабларидаги жами йиллик 9078 дарс соатининг 1560 соати амалий фанларга ажратилган. Ҳар бир фаннинг сифатли ўқитилиши, биринчи гада ўқитувчининг малакаси, маҳорати ва зарур методик қўлланмаларга боғлиқ. Форумда амалий фанларни ўқитишдаги шу каби муаммолар ва уларнинг ечимини хусусида фикрлашилди. Соҳага доир дарслик ва қўшимча қўлланмалар етишмаслиги ҳам айтилди. Кейинги пайтларда бу фанлар мазмунан такомиллаштирилиб, давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мос сифатли дарсликлар, ўқувчиларнинг амалий билим, кўникама ва малакаларини бойитувчи тасвирий санъат, musiqa, технология, жисмоний тарбия ва психология йўналишларида методик таъминот манбалари яратилишига катта эътибор қаратилмоқда.

— Машгулотларда одатий мавзу ва маълумотлар такрорланмаслиги учун фаннинг асосий мақсад ва маз-

мунини белгиловчи янгича усулларга таяниш, яъни, методик кўмак лозим, — дейди Республика таълим маркази директори Ислоом Зокиров. — Амалий фанлар йўналишида айрим синфлар учун дарсликлар, материаллар, ўқув-методик қўлланмалар яратиш борасида соҳа ходимлари ва мутахассислари зиммасига катта вазифалар юкланган. Жумладан,



янги ўқув йилида 1-, 4-, 7-, 8-синфлар учун "Жисмоний тарбия", 1-, 4-, 6-, 7-синф "Технология", 6-синф "Тасвирий санъат" дарслиги янгиланяпти. 7-синф "Тасвирий санъат", 1-, 4-, 6-, 7-синф musiqa дарслиги такомиллаштирилмоқда. Қолаверса, янги дарсликларга ақл гимнастикаси бўлган шахмат сирларини ўқитиш ҳам қўшилди. Келгусида технология фани бўйича замонавий талабларга мос тарзда ўзгартирилган 8—9-синф дарслигини яратиш кўзда тутилган.

Форумнинг ялли ва шўба ййгилишларида педагогика олий таълим муассасаларида амалий фанлардан етук мутахассислар тайёрлашнинг долзарб масалалари, ёшлар онгига болаликдан musiqa илмини сингдириш, musiqa маданиятини юксалтиришда янгича ёндашувлар, ўқувчиларда медиамаданиятни шакллантириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

— Ўғил-қизларимиз келажакда самимий, меҳр-муруватли, мард ва тўғрисиўз бўлиб улғайиши учун уларни ёшлик давридан санъатга йўналтириш лозим, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси "Бастакорлик ва чоғулаштириш" кафедраси профессори, 5-синф "Musiqa маданияти"

дарслиги муаллифи Аваз Мансуров. — Боиси, шу пайтда боланинг ҳиссиётлари шаклланиди. Аммо бу фанни ўқитиш бўйича кўплаб муаммолар борлиги кўзга ташланмоқда. Мисол учун, чекка ҳудудлардаги таълим муассасаларида musiqa асбоб-ускуналар етишмайди. Айрим жойларда ўқитувчилар нота орқали куй басталаш ва кўшиқларни ёдла-

лар, портретлар, шаклларни меъёридан ортқ осмаслик, бу ўқувчи диққатини жамлашига ҳалақат қилмаслиги, синф жиҳозлари ўқувчи ёши ва дарснинг мазмунига мос келиши зарурлиги таъкидланди.



В.Гранкин олган суратлар.

тишга қийналмоқда. Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида эса ўқувчиларни maxsus фанга йўналтириш учун musiqa дари икки ҳафтада бир соат ўтилаётган ҳолатлари ҳам учратамиз. Инглиз тили, математика ёки филологияга ихтисослаштирилган синфлар қатори musiqa ва технологияга йўналтирилган maxsus синфлар фаолияти йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлиб.

Кун давомида иш олиб борган шўба ййгилишлари кизгин муҳокамага бой бўлди. Жумладан, жисмоний тарбия фанини ўқитишнинг долзарб вазифаларига бағишланган шўбада шахмат тарихи; musiqa маданияти шўбасида опера жанрини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатиш; янгидан яратилган "Технология" дарслигини қўллаш орқали ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш хусусида фикр юритилди.

— Шу пайтгача жисмоний тарбия фанини ўқитишда мактабимиздаги шарт-шароитдан келиб чиқиб, мавзуларни ўзимиз, тахминий белгилардик, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нафи-

фирклардик. Мисол учун, ўзим интернет сайтларидан изланиб, "Фронтал", "Оқим" усуллари орқали синфдаги барча болаларни жамлаб, машқ олиб бораман. Машгулот жараёнида спортга иштиёқи бор болалар кўзга ташланади. Улар билан алоҳида шуғулланаман. Форумда бу тажриба ҳамкасбларимга маъқул келди. Шўба ййгилиши иштирокчилари профессор-ўқитувчилар, дарслик муаллифларнинг маърузаларини тинглаб, ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

"Тасвирий санъат ва чизмачилик фанларини ўқитишнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги ййгилиш ҳам кизгин кечди. Иштирокчилар таълим жараёнидаги айрим муаммоларга бирга-лиқда ечим излашди. Тасвирий санъатни ўргатишдаги муаммолар, жумладан, муҳим воқелик ва портрет чизишни ўргатишда оддий дарс услубига таяниб қолмаслик зарурлиги айтилди. Шу боис, янги дарсликларда фан асосчиларининг машхур рассомлар томонидан ишланган портретлари берилганига эътибор қаратилди. Машгулот фан ўқитувчиларини бахсга чорлади. Расм ва чизмачилик хонаси деворига кўрғазма-

тодлар киритилди, — дейди дарсликлар муаллифи Асқарали Сулаймонов. — Ўғил-қизларимизнинг иқтидорини юзга чиқариш, уларни мустақил тасвирлашга ундаш да дунёқарашини кенгайтириш муҳим. Шунинг учун бироз мураккаб бўлган расм чизиш босқичини тушунтиришда maxsus жадваллар ёрдамига таяиланди. Масалан, 7-синф дарслигидаги "Ёруғ ва соя муносабати" мавзусида шакл ҳосил қилишни тушунтириш керак.

Форум якунида фанлар бўйича зарур тасвирлар ишлаб чиқилди. Илғор тажрибалир оммалаштириш учун тасвия этилиб, 117 та маъруза тезислар тўпламига киритилди. Тажрибали фан ўқитувчилари вазириликнинг тармоқ мукофоти — "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиси" кўкрак нишони, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Шу билан амалий фанлар бўйича республика форуми якунланди. Аммо мазкур фанларни ўқитиш, дарс сифат ва самарадорлигини ошириш борасидаги мунозаралар юртимизнинг барча ҳудудларида, энг чекка туманлардаги таълим муассасаларида ҳам давом этади.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Ёшлар бандлиги — муҳим вазифа

Жиззах вилояти Фориш туманида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши ташкил этган тадбирда депутатлар, маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, фаоллари, тижорат банклари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначилик, томорқа хўжалигини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан яратила-

ётган имкониятлардан янада самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Коллеж битирувчилари ва уюшмаган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги мавжуд муаммолар атрофида муҳокама қилинди.

— Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолотига қаратилаётган алоҳида эътибор, куни кеча қабул қилинган қарор барча тизимдаги давлат органлари қатори сиёсий партиялар, улардан сайланган депутатлар зиммасидаги масъули-



Vatanimiz mustaqilligining 26 yilligi oldidan

ятни янада оширмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Эркин Холбўтаев. — Бу, айниқса, иш ўринлари кам, уюшмаган ёшлар сони бирмунча кўп бўлган туманларда ўта муҳим эканига жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш давомида амин бўлдик. Бугун ушбу муаммолар ечимини тўғрисида фикр алмашдик. Муаммолар ечимини бўйича, айниқса, ёшларнинг ўзидан кўплаб фойдали таклифлар билдирилди.

Тадбирда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига "Фидойинг

бўлғаймиз сенинг, Ўзбекистон!" деган бош гоани ўзида муҳасам этган маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан қатор амалий таклифлар илгари сурилди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган, ўзига муносиб иш ўрни яратган бир гуруҳ ёшлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фаоллар O'zLiDeP Жиззах вилояти кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
Ўза муҳбири

Юнусов Салоҳиддин Зунуновичнинг 05.02.03 — Технологик машиналар, роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари ихтисослиги бўйича (техника фанлари) «Аррали жинларнинг самарали ишчи органлари ва механизмлари конструкцияларини ишлаб чиқиш ҳамда параметрларини ҳисоблашнинг илмий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли илмий кенгаши асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил 18 июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тел/факс: (0-371) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz.

Юлдашева Мухаббат Раззоқбердиевнинг 02.00.03 — Органик кимё ихтисослиги бўйича «Ароматик бирикмаларни гидроксид-, галоген алкиламидлар, имидлар ва нитриллар билан амидоалкиллаш» мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) (DSc) докторлик диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03. рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 18 июль соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлис зал. Тел.: (0-371) 227-17-24, факс: 246-53-21, 246-02-24.

Яркулов Ахрор Юлдашевичнинг 02.00.04 — Физик кимё ихтисослиги бўйича «Целлюлоза эфирлари асосидаги композицияларнинг физик-кимёвий ва термодинамик хоссалари» мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) фалсафа (PhD) докторлик диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03. рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 18 июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлис зал. Тел.: (0-371) 227-17-24, факс: 246-53-21, 246-02-24.

Шернаев Анвар Нормаматовичнинг 02.00.07—композицион, локбўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси ва 05.02.01—машинасозликда материалшунослик. Куймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси (материалшунослик ва металлургия йўналишлари) ихтисосликлари бўйича (техника фанлари) «Маҳаллий хомашёлар асосида антифрикцион композицион ёғоч-полимер материалларнинг самарали таркиби ва машинасозлик учун деталлар ишлаб чиқиш» мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/T.03.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 19 июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7-А уй. Тел/факс: (0-371) 246-39-28, факс: (0-371) 227-12-73, www.gupft@inbox.uz.

Ашуров Зарифжон Шарифовичнинг 14.00.18 — Психиатрия ва нарколепия мутахассислиги бўйича «Девиянт хулқ-атвори беморларда алкогольизм ва наркоманиянинг клиник хусусиятлари» мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Тошкент врачлар малякасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 17 июль соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: (99871) 268-17-44, e-mail: info@tjptpe.uz.

Ўзбекова Нелли Рафиқовнанинг 14.00.05 — Ички касалликлар ихтисослиги бўйича (тиббӣет фанлари) «Метаболик синдром патогенезининг нейрогуморал механизми ва терапевтик коррекциялаш йўллари» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббӣет академияси ҳузуридаги тиббӣет фанлари бўйича докторлик (DSc) илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 17 июль соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2, Тошкент тиббӣет академиясининг 3-клиникаси, 1-қават, мажлис зал. Тел/факс: (0-371) 150-78-25; e-mail: ta2005@mail.ru.

Худайкулова Гулнара Каримовнанинг 14.00.10 — Юқумли касалликлар ихтисослиги бўйича (тиббӣет фанлари) «Перинатал ОИВ-инфекция» мавзусидаги (тиббӣет фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббӣет академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2016.Tib.30.02 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 17 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2, Тошкент тиббӣет академиясининг 3-клиникаси мажлис зал. Тел/факс: (0-371) 150-78-25, e-mail: ta2005@mail.ru.

Ахмедов Халмурод Садуллаевичнинг 14.00.05 — Ички касалликлар мутахассислиги бўйича «Ўзбекистоннинг турли иқлим-географик ва экологик ҳудудларида ревматоид артрит ўзига хос кечиши ва олдини олишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббӣет академияси ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 18 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, Тошкент тиббӣет академиясининг 3-клиникаси мажлис зал. Тел. (+998 71) 150-78-25; e-mail: ta2005@mail.ru.

Эркабаев Улуғбек Инаятиллаевичнинг 01.04.10 — Яримўтказкичлар физикаси (физика-математика фанлари) ихтисослиги бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган «Квантловчи магнит майдонида яримўтказкичлардаги осцилляция ҳодисаларига ҳарорат ва босим таъсири» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Физика-техника институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 20 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-«В» уй. Тел.: (0-371) 233-12-71, факс: 235-42-91.

Юлдашев Акмал Гуламжановичнинг 10.00.06 — Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилишунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича «Идиоматик кўша сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)» мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқишунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 21 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (0-371) 233-45-21; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Қадирбекова Дурдона Хикматуллаевичнинг 10.00.06 — Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилишунослик ва таржимашунослик (филология фанлари) ихтисослиги бўйича «Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқишунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 22 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (0-371) 233-45-21; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Мустафаева Самиди Тошмухаммедовнанинг 10.00.05 — Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти (филология фанлари) ихтисослиги бўйича «Хитой тилишунослик терминологияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқишунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 22 июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (0-371) 233-45-21; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Имамова Холида Камаловнанинг 10.00.05 — Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти (филология фанлари) ихтисослиги бўйича «Турк тилида хурмат категорияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқишунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 21 июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (0-371) 233-45-21; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Ходжаева Нозима Хайруллаевичнинг 14.00.19 — Клиник радиология (тиббӣет фанлари) ихтисослиги бўйича «Биологик объектларга нейтрон-эгаллаб олиш терапияси таъсирини ўрганиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббӣет академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 18 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли (Фарҳод кўчаси) кўчаси, 10-уй. Тел.: (0-371) 230-49-09, факс: 277-04-94, 277-92-94.

2017-yil 8-iyul, № 54 (9015)

Элмуродов Абдуғани Актамовичнинг 06.01.08 — Усимликшунослик ихтисослиги бўйича «Зарафшон водийси шароитида топинамбуру ўстириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш» (қишлоқ хўжалиги фанлари) мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. 0х.42.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 19 июль соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовок, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-36, факс: (0-371) 150-61-37; e-mail: g.selek@qxsx.uz, paxtauz@mail.ru.

Тияков Акбар Бўриевичнинг 14.00.22 — Травматология ва ортопедия (тиббӣёт фанлари) ихтисослиги бўйича «Қўйма шикастларда чаноқ суякларини ностабили синишларини таххислаш ва даволашни яхшилаш йўллари» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси «Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази» ва Тошкент тиббӣёт академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Тиб.49.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 20 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли (Фарҳод кўчаси) кўчаси, 10-уй. Тел.: (0-371) 230-49-09, факс: 277-04-94, 277-92-94.

Усманова Захро Абдувалиевичнинг 14.00.25 — Клиник-лаборатор ва функционал диагностика, 14.00.06 — Кардиология ихтисосликлари (тиббӣёт фанлари) бўйича «Каротид атеросклерози динамикасини баҳолашда нотургун атеросклеротик пиллакча маркерлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.27.06.2017. Тиб.31.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 17 июль соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./факс: (0-371) 266-17-44; e-mail: info@tirpe.uz.

Хақимов Рустамжон Махмудовичнинг 01.01.01 — Математик анализ ихтисослиги бўйича «Спир қийматлари тўплами чекли бўлган моделлар учун лимит Гиббс ўлчовлари» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон миллий университети, Математика институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. FM.01.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 20 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел./факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz.

Диққат, танлов!

"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган "Энг улуг, энг азиз" аъъанавий танловини эълон қилади.

Танловга "Фидойинг бўлғаймиз сенинг, Ўзбекистон!" деган бош гоъни ўзида мужжасам этган ва 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг маъно-мазмунига мувофиқ яратилган ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуг, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2016 йилнинг 1 августидан 2017 йилнинг 1 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61;
244-64-61; 244-11-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи Акбарали Умаровга отаси

Абдулақим отанинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти қуйидаги вакант лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. "Ижтимоий-иқтисодий фанлар" кафедраси:

- 1) Кафедра мудири, фан доктори ёки фан номзоди — 1 ўрин;
- 2) Кафедра профессори, фан доктори — 0,5 ўрин;
- 3) Катта ўқитувчи, фан номзоди (миллий истиклол гоъси) — 1 ўрин;
- 4) Катта ўқитувчи (хуқуқ) — 1 ўрин;
- 5) Катта ўқитувчи (тарих) — 1 ўрин;
- 6) Катта ўқитувчи (миллий истиклол гоъси) — 1 ўрин;
- 7) Ўқитувчи (иқтисодий билим асослари) — 1 ўрин.

2. "Педагогика, психология ва таълим менежменти" кафедраси:

- 1) Кафедра мудири, фан доктори ёки фан номзоди — 1 ўрин;
- 2) Кафедра профессори, фан доктори — 0,5 ўрин;
- 3) Катта ўқитувчи (психология) — 1 ўрин;
- 4) Катта ўқитувчи (педагогика) — 1 ўрин;
- 5) Ўқитувчи (педагогика) — 0,5 ўрин.

3. "Тил ва адабиёт таълими" кафедраси:

- 1) Кафедра профессори, фан доктори — 0,5 ўрин;
- 2) Катта ўқитувчи фан номзоди (нутқ маданияти) — 0,5 ўрин;
- 3) Катта ўқитувчи (она тили ва адабиёт) — 1 ўрин;
- 4) Катта ўқитувчи (рус тили) — 1 ўрин;
- 5) Ўқитувчи (инглиз тили) — 1 ўрин.

4. "Табий ва аниқ фанлар таълими" кафедраси:

- 1) Кафедра мудири, фан доктори ёки фан номзоди — 1 ўрин;
- 2) Кафедра профессори, фан доктори — 0,5 ўрин;
- 3) Кафедра доценти — 1 ўрин;
- 4) Катта ўқитувчи (информатика) — 1 ўрин;
- 5) Ўқитувчи (биология) — 0,5 ўрин.

5. "Мақтабгача, бошланғич ва махсус таълим" кафедраси:

- 1) Кафедра мудири, фан доктори ёки фан номзоди — 1 ўрин;
- 2) Кафедра профессори, фан доктори — 0,5 ўрин;
- 3) Катта ўқитувчи (мақтабгача таълим) — 1 ўрин;
- 4) Катта ўқитувчи (бошланғич таълим) — 1 ўрин;
- 5) Ўқитувчи (мақтабгача таълим (рус)) — 1 ўрин.

6. "Амалий фанлар ва мақтабдан ташқари таълим" кафедраси:

- 1) Катта ўқитувчи (маиший меҳнат) — 1 ўрин;
- 2) Катта ўқитувчи (тасвирий санъат) — 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- иш жойидан 2 та тавсиянома;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатлари нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси, олий таълим тизимида камида 3 йил ёки умумий ўрта таълим тизимида камида 5 йил иш стажига эга бўлиши талаб этилади;
- паспорт нусхаси;
- илмий, ўқув-методик ва ижодий ишлари рўйхати.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида институтнинг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори томонидан ҳар куни соат 14:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани,
Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй. Тел: 230-22-14; 230-22-15

Gurung

Расул ХАМЗАТОВ

Аёллар кўп,
она ягона!

Биргина "Она" деган сўзни эшитишимиз билан сергак хизматимиз, қалбимизга нур ва меҳр инди.

Она бари бир она, мен унинг ўғлиман ва онам олдидан ҳамшиша ўзимни қарздор ҳисоблайман.

Дунёда хизмат кўрсатган ва хизмат кўрсатмаган, яхши ва ёмон одамлар бор, лекин дунёда хизмат кўрсатмаган она йўқ ва улар ҳамшиша фарзандлари учун яхши, муқаддас. Ҳикматда таъкидланганидек: "Аёллар кўп, она ягона".

Мен фақат ўз онам ҳақида эмас, жаҳондаги меҳрибонлик тимсоли бўлган оналар ҳақида фикр юритмоқчиман, ҳар бири ва ҳаммаси тўғрисида, қайсики, ҳеч ким онаси тириклигида бепарқ ёки эътиборсиз бўлиб, кейин виждон азобида қийналиб, унинг қабрига мунгайиб боқмасин.

Одамлар ҳар хил бўлади: яхши ва ёмон, кучли ва кучсиз, ҳалол ва ярамас. Қўшиқлар ҳам ҳар хил. Лекин ҳамшиша оналар гўзал, улар куйлаган аллалар гўзал.

Она — бу фикру хаёлда яшайдиган, унинг қувонч-ташвишларига шерик бўладиган, ҳамшиша меҳру-муҳаббат кўрсатадиган улуғ зот.

Барча оналар бitta millatga mansub va ular birday yuksak hurmatga loyiq.

Кексайиш, кексалик — қувонадиган ҳодиса эмас. Афсуски, шундай болалар борки, ўзларининг қилиқлари билан минг ташвишда юрган кексайган онасини изтиробга солади.

Биз болаларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаймиз. Аммо биз онапарварлик ҳақида кам ёзамиз, ёзанларимиз эса юзаки. Гўё бу туйғу фарзандларда ўз-ўзидан пайдо бўлаверади. Ва лекин кимки онасини унутса, у кимса Ватанга ҳам ҳеч иккиланмай хиёнат қилиши мумкин.

Шубҳасиз, дунёда фарзанди бошида алла айтмаган она йўқ. Аммо онасига шеър бағишламаган шoirлар бор. Улар онаси дунёдан кўз юмгандан кейин марсия бағишлайди.

Ер юзидан оналаргина ҳаётни давом эттириш, фарзандлар кўриш, мени, сени, уларни улгайтириш, тарбиялаш учун тақдирнинг барча зарбаларига кўксини қалқон қилдилар. Ахир, оналар қалби меҳр-муруват кўрсатишда чегара билмайди.

Оналар бизни баланпарвоз шoirларга, қуруқ вағдаларга, сирти ялтироқ сўзларга, иқтибосбозликка ўргатган эмаслар, улар бошимиз узра майин аллаларни оҳиста куйлашган...

Ҳали-ҳануз қалбимни афсус-армонлар, аччиқ хотиралар тирнайди — мен ҳам онамга юрагимда асраган сўзларни унинг вафотидан кейин ёздим. Бу "Оналарни асраган" достони — тавба-тазарру, муножот достони. Онамни хотирлаб бўзлар эканман, кўплаб оналарга, тўғрироғи, барча оналарга хос фазилатларни қоғозга туширдим.

Асрор МҮМИН таржимаси

Саксовул шохларига тикилиб қарасангиз, бу мўъжизакор сеҳрдан ҳайратга тушасиз.

— Саксовул чирписи ҳар ойда ўзгариб туради, — дер эди машҳур чорвадор Жумақул ботир. — Ҳозир гуллаган пайти. Қорақўл кўйлар — бу жазирма чўлнинг энг катта бойлиги. Бу бойлик ортидан кўйчивонлар кечаю кундуз юришади.

Жумақул полвон чорва кучшандасининг изидан тушишга чўчимас, ҳар қандай хавфли олишувларда юраги "жиз" этмасди. У от думининг қилидан тўқилган арқонни чопони устидан бир қўлига жипслаб ўраб чиқиб, бўри уяси ичкарисига олтиетти одим кириб борди. Йиртқиш ташланган заҳоти овчи арқон ўралган қўлини унинг оғзига

ни зирқиратиб оғритса-да, оғзини очиб рақибдан халос бўлмаслигини англагандек, унга итоаткорлик билан бўйсунди.

Жумақул полвон хавфни бар-тараф этгач, бўрини инидан ташқарига судраб олиб чиқди. Йиртқишнинг кўзлари олайиб, темир илгакдан халос бўлишни хаёлига ҳам келтирмай, овчининг етовида юриб кетади. Дар-

Жумақул ботир ҳангомаси

Қоратовнинг бир парча тоши, саксовул ёвсанларининг ҳар бир шохига чўпонлар меҳр риштаси билан боғланган. Бу ҳудудлар юртимизнинг ғаройиб олами. Уни чўпонзодалар кеча-кундуз кечи, юрт хазинасига хазина қўшиб келадилар. Диёримизнинг беғубор осмони остида алп чўпонлар қоматини тик тутиб, ота-боболари касбини ардоқлаб келишмоқда. Ардоқланган юрт фарзандлари чиндан-да ардоқлидир.

— Оқтовдаги бўрилар Қоратовдаги қашқирлар билан насл қолдириш учун бир ҳудуддан бошқасига ўтиб келади, — дейди Жумақул ботир. — Мен ўнгирларда уларнинг уясига кириш учун писиб ётаман. Пайт пойлаб ҳаракатга тушаман.

тиқди. Ваҳшийлашган рақиб ўткир тишларини ишга солиб қаттиқ тишлади.

Бундан фойдаланган Жумақул иккинчи қўлидаги ўткир илгакни бир уринишда унинг бурнидан ўтказиб олди. Бу ҳодиса қашқирни гўё гунгу кар қилгандек бўлди. Қил арқон бўри тишлари-

воқе, от думидан тўқилган арқон узилмайди, фақат оловда куйиши мумкин. Офтоб тифида эса сифатини йўқотмайди. Йилқибоқлар ёввойи отларни ушлаганда ана шундай арқондан фойдаланишган.

Она бўрилар жадий ойида саккизтадан ўн иккитагача болалайди. Қашқир ўз болаларини эркак бўрилардан яширинча парвартишлайди. Чунки эркак бўри ўз

зуриёдини туғилганини кўрган заҳоти ўлдириб ташлайди. Айтишларича, бу билан ўзимдан бошқа тўда бошлиғи чиқмасин деган ақидага риоя этаркан. Шуниси қизиқки, бўри болалари улгайгач, ўзлари ёлғиз, мустақил яшаб кетаркан...

(“Оқтов ҳикматлари” китобидан.)



Луқмон Ҳаким ўғитлари

Ҳали чипқон пишмаган бўлса, гулхайрини қаттиқча аралаштириб суриг — яра уч беради ва патосни чиқариб юборлади.

Шишга сачратқи толқонидан озгина боғланса, шиш қайтади.

Агар кишида ўсма-шиш пайдо бўлса, асалари уясидан қайнатма қилиб ичиши лозим.

Шишган юзни туя сутти билан чаймоқ керак.

Саримсоқ палласини ёда қовуриб тановул этилса, танадаги қичима йўқолади.

Равоч уруғидан толқон тайёрлаб, ҳаммомда иссиқ

баданни у билан ишқаласангиз, қичима йўқолади, харишдан қутуласиз.

Қизил лавлагини қайнатиб, оқарган сочга сурсангиз, қорайтиради.

Чаён чақса, ниш урган жойига аввалдан чаён солиб қўйилган мой суртиш керак.

Илон чақса, заҳар солган жойига дарҳол саримсоқ палласини суриг.

Агар киши саримсоқни кўп еса, унга илон захри ўтмайди, чунки саримсоқ заҳри илон захридан зўрроқдир.

(“Табобат” китобидан.)

Шифокорлар ҳузурида

— Нега жарроҳлар операциядан олдин резина қўлқоп кийиб олишади-а?

— Билмадим, эҳтимол, бармоқ изларини қолдирмаслик учундир.

Дўхтир беморни кўздан кечира туриб деди:

— Негадир кўринишингиз менга ёқмаяпти. Нима, кўп ўтирасизми?

— Ҳа, бўлиб туради, — деди бемор, — ўғирлик қилганим учун сўнгги марта бир ярим йил ўтириб чиқдим.

Дўхтир беморга деди:

— Текшириш натижаларини хулоса қиладиган бўлсак, оёқларингизда сув тўпланибди, буйрагин-

гизда тош бор. Томирларингиз деворлари торайган кўринади.

— Вой-бў, — деди бемор кулиб, — энди миямда қум топсангиз, бемалол курилиш бошлаб юборсак бўларкан.

Бир киши ярим кечада руҳий касалликлар шифохонасининг дарвозасини тақиллата бошлади.

— Илтимос, очинглар, мен ақлдан оздим, даволанишим керак...

Навбатчи кўзларини уқалаганча, дарвоза ёнига келди.

— Нималар деяпсиз? Ярм кечада ҳам ақлдан оздимми одам, жинни-пинни бўлмаганмисиз?

— Агар мен бошимни пастга,

оёғимни осмонга қилиб турсам, қонимнинг ҳаммаси бошга келадими?

— Албатта, жаноб Майер, қон босимингиз ҳам ошиб кетади.

— Шунанга экан, нега мен тик турганимда қоним оёқларимга тўпланиб қолмайди?

— Чунки оёқларингизнинг ичи бўм-бўш эмас-да.

— Жаноб дўхтир, мен қаттиқ тумов бўлиб қолганман. Қанақа дори олишим керак?

— Битта дастурмолча, — деди у қуруққина қилиб.

— Шу етарлими?

— Етмаса, иккита ола қолинг.

2017-yil 8-iyul, № 54 (9015)

Иқтидорли гимнастикачиларимиз — шоҳсупада

Ўзбекистонлик спортчи қизлар бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида 17 та медални қўлга киритди.

Жорий йилнинг 24—27 июнь кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ёшлар ўртасида бадий гимнастика бўйича IX Осиё чемпионати ва ўсмирлар ўртасида XV Осиё чемпионати ўтказилди. Унда қўлтамизнинг 14 мамлакатидан энг кучли 150 нафар гимнастикачи голиблик учун ўзаро беллашди. Мурасасиз баҳсларда иштирокчилар Осиё чемпионлиги учун яккалик ва гуруҳ мусобақалари, жамоавий кўпкураш ва машқларнинг айрим турлари бўйича 54 та медал жамланмаси учун курашди.

IX Осиё чемпионатида юртимиз вакиллари жами саккизта медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Кувонарлиси, яккалик кўпкурашда ҳамюртимиз Анастасия Сердюкова биринчи, Сабина Тошкенова эса учинчи ўринни эгаллади.

Уч кун давом этган мусобақада яккалик ва гуруҳлар ўртасида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ҳам баҳслар ўтказилди. Яккалик баҳсларида булава ва тасмада машқ бажарган А.Сердюкова иккита олтин, С.Тошкенова эса 2 та кумуш медалга эга бўлди. Жамоавий чиқиш-



ларда терма жамоа сафида иштирок этган Алина Қосимова, Динара Равшанбекова, Ксения Александрова, Гўзал Райманова, Карина Тогаева, София Бозорова яқунда иккинчи ўринни эгаллади.

Ўсмирлар ўртасидаги XV Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган иқтидорли гимнастикачиларимиз 9 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни қўлга киритди. Мусобақалар якунида кўпкураш ҳамда ҳалқада машқ бажаришда Тахмина Икромова шоҳсупанинг иккинчи погонасини банд этди. Копток ва тасмада машқ бажариш бўйича эса унга етадигани топилмади. Яна бир ҳамюртимиз Лола Зоирова булава ва копток ёрдамидаги машқларда олтин ва кумуш медалларни жамғармамиз ҳисобига қўшиб қўйди.

Чемпионатнинг жамоавий кўпкураш баҳсларида ҳамда гуруҳлар ўртасида алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ўтказилган финал мусобақасида Шахризода Арзиматова, Екатерина Фетисова, Динара Иззатуллаева, Шахризода Қаюмова, Анастасия Тихонова, Сунажон Сотимбоевадан иборат жамоа иккита бронза медал билан тақдирланди. Шу тариқа 6 олтин, 8 кумуш ва 3 бронза медал тўплаган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг иккинчи погонасини эгаллади.

Ваҳобжон ЮЛДАШЕВ



Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Асадбек Самандаров спортсевар ёшлардан бири. Ота-онаси уни 5 ёшида Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасига олиб келган эди...



Bolalar sporti

Аслида мақсад боланинг соғлом ривожланиши учун шарт-шароит яратиш бўлса-да, шунга монанд ўз жисмоний имкониятларидан фойдаланаётган болакай учун бу мажмуа завқ-шавққа тўлиқ масканга айланди. Тазквондонинг ITF йўналиши бўйича шугулланиб келаётган Асадбек дастлабки пайтларда оддий элементларни бажаришда ҳам хатоликка йўл қўйган бўлса, бугунги кунда ёш спортчининг маҳорати республика ва хал-

қийин вазиятлардан чиқиб кетишни ўрганаётганидан мамнун бўлдим. Энг муҳими, спортнинг бу тури ўғил болада ижобий фазилатларни шакллантираркан. Бу эса мураббийнинг кўрсатмалари билангина юзага чиқади. Ўғлимга тазквондонни ўргатиб келаётган учинчи даражали қора белбоғ соҳиби, спорт устаси Даврон Тўлагановдан жуда миннатдоримиз. Буни қарангки, қисқа вақтда Тазквондо халқаро ассоциацияси талабига жавоб

8 ёшли қора белбоғ соҳиби

қара мусобақаларда тан олинмоқда.

Мана, унинг кейинги йилларда эришган натижалари: Бухоро вилояти очик чемпионатида фахрли 1-ўрин (2015), Самарқандда ўтказилган «Мустақиллик кубоги»да 2-ўрин (2016), Қарши шаҳрида «1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига» бағишлаб ўтказилган мусобақада кумуш медал (2016 йил).

«Ўғлингиз тазквондо бўйича қора белбоғ соҳиби бўлди!» деган хушхабар Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими методисти Зиёда Тошеванинг гурурини тоғдеқ кўтариб юборди. Ахир, фарзандининг муваффақияти қайси ота-онани қувонтирмайди, дейсиз?!

— Асадбекни илк марта «Жар»га олиб борганимда, у тенги болаларнинг махсус спорт кийимида шуғулланаётганини кўриб, ҳавасим келган эди, — дейди Зиёда Тошева. — Орадан кўп ўтмай, ўғлимизнинг юриш-туриши ижобий томонга ўзгараётганини сездим. Унинг эпчиллик, чаққонлик билан

бергани учун Асадбек қора белбоғ соҳиби бўлди.

— Асадбекнинг ихчам жуссаси, новча бўйи тазквондо билан шуғулланиши учун анча қулайлик туғдирди, — дейди мураббий Д.Тўлаганов. — «Жар»да тазквондо билан турли ёшдаги 50 нафар спортчи шуғулланаётган бўлса, улар орасида Асадбекнинг ҳам ўз ўрни бор. У билан 4 йилдан бери шуғулланишман, натижалари кун сайин яхшиланиб борапти. Асадбек меҳнатлари эвазига халқаро даражадаги сертификат билан тақдирланди. Эндигина 8 ёшга тўлган бу болани ўтказиладиган умидимиз катта.

Устоз ва шогирд айна кунларда жорий йилнинг сентябрида Италияда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақага тайёрлик кўрмоқда. Агар саралаш жараёнида юқори натижаларни қўлга киритса, Асадбек ҳам бу нуфузли мусобақага бориши мумкин. «Бўладиган бола бошидан маълум», дейдилар. Бу — бошланиши ҳолос. Асадбек Самандаровни олдинда катта мусобақалар ва улкан ютуқлар кутмоқда.

Хулқар ТҲЙМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ

2017-2018 ўқув йили учун

физика, математика, кимё, география, она тили, инглиз тили, француз тили фанларидан олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 12-мавзе, Хуросон маҳалласи, М.Шайхзода кўчаси. Маълумот учун телефон: 271-55-82.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ

2017-2018 ўқув йили учун 2-ихтисослашган синфларга танлов асосида қабул эълон қилади.

- Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:
1. Мактаб директори номига ариза.
 2. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси).
 3. Тиббий маълумотнома (086/У).
 4. Фотосурат — 6 дона (3x4) конвертда.
 5. Психологик-педагогик ташхис дафтарида нусха ёки ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома.
 6. Турар жойидан маълумотнома.
 7. Баҳолар табелидан нусха.
 8. Тез тиккич (скоросциватель), конверт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 12-мавзе, Хуросон маҳалласи, М.Шайхзода кўчаси. Маълумот учун телефон: 271-55-82.

Хурматли биринчи ўқитувчимиз Кундузхон ая ХҲЖАМБЕРДИЕВА!

Сизни қутлуг 80 ёшингиз билан табриклаймиз. Андижон шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактабида ярим асрдан зиёд ёшларга таълим-тарбия бериб, кўплаб шогирдларни катта ҳаётга йўллаган, уларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишида беминнат хизмат қилган Сиздек меҳрибон устозимизни доимо қадрлаймиз.

Муҳтарама муаллимамиз, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз, эзгу ниятларингиз ҳамisha йўлдошингиз бўлсин.

Эҳтиром ила бир гуруҳ шогирдларингиз.

Муҳтарама Роҳат ҲАСАНОВА!

Сизни муборак 55 ёшингиз билан сямимий табриклаймиз. Бошлангич синф ўқитувчиси сифатида мактаб деб аталмиш муқаддас масканга катта орзумидлар билан қадам қўйган жажжи қалбларга оналарча меҳр кўрсатиб, бағрига босган Сиздек меҳрибон муаллиманинг машаққатли меҳнатларингизни доимо қадрлаймиз. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда куч-қувват ва сабр-тоқат тилаймиз.

Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилаган ҳолда, ҳамisha шогирдларингиз ардоғида юринг, деб қолаимиз.

Хурмат билан Нуробод туманидаги 56-мактаб жамоаси ва бир гуруҳ шогирдларингиз.





Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи

иқтидорли ўқувчига куч-вайрат бағишлайди

Пурқор тоғлар бағри кўм-кўк арчазор. Юсак чўққилар ўғиридаги қор қуёш шуъласида жиловланади. «Чорвоқ» сув омбори мавжларидан таралаётган салқин шабада дилга роҳат бағишлайди. Бўстонлик туманидаги ана шундай гўзал табиат кўйида жойлашган оромгоҳлар ҳар қачонгидан-да гавжум.

“Кўёшли” болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўқувчиларнинг ёзги таътил даврини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилган. Мазкур интеллектуал ривожлантириш оромгоҳида бир гуруҳ ўғил-қизлар қатори билимлар беллашувида совриндор бўлган ўқувчилар ҳам мароқли хордиқ чиқаряпти. Дам олиш масканининг иккинчи мавсуми очилиши муносабати билан ташкил этилган маросимда ўқувчи-ёшларнинг бекаму кўст таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиб, мароқли хордиқ чиқариши учун барча зарур имкониятлар яратилгани таъкидланди.

— Оромгоҳимизда 16 июндан бошланган тўрт босқичли дам олиш мавсуми давом этмоқда, — дейди оромгоҳ бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов. — Биринчи мавсумда 438 нафар ўқувчи хордиқ чиқарган бўлса, иккинчи мавсумда

ҳам қарийб шунча дам олувчи қабул қилинди. Анъанага кўра, бу йил ҳам оромгоҳимиз билимлар беллашуви совриндорларини ўз бағрига чорлади. Бу ерда ўқувчилар ҳар бир дақиқани мазмунли ўтказаяпти. Иккита сув ҳавзаси, 10 та тўғарак ва турли соғломлаштириш майдончалари улар ихтиёрида. Табиат кўйидаги машгулотлар, маҳорат дарслари ва ада-



Yoz — o'tmoqda soz!

бий кечалар, ҳуллас, тадбирлар кўп.

Дам олиш масканини айланиб, тўғараклар фаолияти билан танишиш чоғи чет тилида суҳбатлашяётган икки киз эътиборимизни тортди.

— Пойтахтлик дугонам Ойша Юсупова билан немис тилида гаплашяпмиз, — дейди Қува шаҳридаги 33-мактаб ўқувчиси Дурдона Мирзаганиева. — Билимлар беллашувида ғолиб бўлиб, чет тилида сўзлашолмаслик

уят, ахир. Оромгоҳга биринчи келишим. Бу ернинг сўлим табиати кайфиятимизни кўтарди.

— Билимлар беллашувининг рус тили йўналишида 1-ўринни эгалладим. Муваффақиятга эришишимда устозларимнинг ҳиссаси катта. Уларнинг кўмаги билан билимдон тенгдошларим сафидан жой олиб, “Кўёшли”да дам олиш имкониятини кўлга киритдим, — дейди Жиззах шаҳридаги 10-мактаб ўқувчиси Аваз Ўктамов. — Таълим муассасамизда ўқийдиган Соҳида Эргашева ҳам шу ерда. У билимлар беллашувининг она тили ва адабиёт фанидан ғолиб бўлган. Бу ерда ҳар кунимиз унутилмас таассуротларга бой бўлмоқда. Кўплаб дўстлар орттирдик. Тенгдошларимиз билан турли мавзуларда фикр алмашаяпмиз.

Оромгоҳ тарбияланувчилари иштирокида “Фидойинг бўлғаймиз сенинг, Ўзбекистон!” мавзусида маданий-маърифий дастур намойиш этилди. Тоғ ёнбағрида жаранглаган куй-кўшиқ, рақс ва сахна кўринишлари барчага хушнудлик бағишлади.

Ҳасан МҮМИНОВ,
“Ma'rifat” муҳбири



Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. G-715. Tiraj 34178.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotiбиyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6411



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 00.40 Topshirildi — 02.10

12 456